Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 4 декабрь, шанба № 232—233 (21.584). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ


3 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эндрю Гельфи бошчилигидаги Франция ишбилармонлари делегациясини қабул қилди.

Ўзбекистон раҳбари меҳмонларга мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар, хорижий сармояларни республикамизга кўпроқ жалб этиш мақсадида ишбилармонларга яратилаётган имтиёзлар ҳақида гапириб берди.

Делегация раҳбари Эндрю Гельфи Ўзбекистон ҳудудида жаҳон талабларига жавоб берадиган халқаро аэропорт, меҳмонхоналар, қанд заводлари қуриш, чиқиндиларни қайта ишлаш, нефть ва газ саноати соҳаларида ҳамкорлик қилиш нияти борлигини айтди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов, Қ. Ҳаққулов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков иштирок этди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул чоғида.

Ф. ҚЎРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида тутган ўрнининг ошиб бораётганини эътиборга олиб ҳамда унинг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, концернлари, корхоналари, хўжаликлари ва ташкилотлари «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда унинг қуйи бўғинларига мунтазам равишда моддий-молиявий ва амалий ёрдам кўрсатишлари зарурдир.

2. Маҳаллалар ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига тегишли маҳаллаларда маданий ва маърифий, ободончилик ишларини амалга ошириш, анъанавий миллий байрамларни ўтказишда, шунингдек, оқсоқолларнинг таклифлари асосида кам даромадли ва боқувчисини йўқотган оилалар ва ёлғиз қолган кишиларга моддий-маънавий ёрдам бериб бориш чора-тадбирларини кўриш топширилсин.

3. «Маҳаллий саноат» корпорацияси (В. Чжен), «Ўзбексавдо» уюшмаси (М. Усмонов), «Ўзбекбирлашув» (Г. Волков), «Ўзмаишийуюшма» (З. Собиров) 1994 йилдан бошлаб «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда унинг қуйи бўлимлари буюртмаларига мувофиқ маҳалла гузарлари, чойхоналари учун зарур бўлган хўжалик ва уй-рўзғор анжомларини имтиёзли нархларда ажратишни назарда тутсинлар.

«Ўзшартномасавдо» уюшмаси (Т. Шарипов), «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» қўмитаси (Р. Ҳусанов) «Маҳалла» хайрия жамғармаси тасарруфидаги кичик корхоналарни зарур бўлган дастгоҳлар, эҳтиёт қисмлар, хом ашё маҳсулотлари ва ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш чора-тадбирларини белгиласинлар.

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг Акмал Икромов тумани Бекобод маҳалласидаги Тошкент бош кийимлар фабрикаси 3-цехини республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси балансига ўтказиб бериш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Э. Боқибоев) «Маҳалла» хайрия жамғармасининг иқтисодий, молиявий ва хўжалик фаолиятини янада мустаҳкамлаш учун 1994 йилда республика давлат бюджетидан 1 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратсин. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамғарманинг маблағларидан унинг устав вазифаларига қатъий мувофиқ мақсадли равишда ишлатилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатишни таъминласин;

Давлат солиқ бош бошқармаси (Ш. Гатаулин) билан биргаликда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг тасарруфидаги ишлаб чиқариш ҳамда савдо корхоналарини солиқлар ва бож тўловларидан озод қилиш масаласи бўйича 10 кун муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (У. Абдуғаниев) республика ҳудудидан ташқарига ноқонуний равишда олиб чиқиб кетишда мусодара қилинган товарлар ва маҳсулотларни «Маҳалла» хайрия жамғармаси дўконлари орқали аҳолига сотишни ташкил этиш ҳақида шаҳар ва туман ҳокимликлари билан келишган ҳолда икки ҳафта муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А. Фозилбеков)га республика маҳалла маданият маркази учун бино ажратиш, Шайхонтоҳур туманидаги «Исломобод» маҳалла маданий марказини республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси балансига ўтказиб бериш масаласини ҳал этиш топширилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) ва Адлия вазирлиги (А. Мардиев)га жойларда ҳуқуқ-тартибот масалалари юзасидан доимий равишда халқ билан мулоқотда бўлиб, маҳалла фаоллари билан иш юритишни ташкил қилиш тавсия этилсин.

8. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига 1994—1995 йилларда ҳар бир маҳаллага замонавий ва миллий лойиҳалар асосида гузарлар қурилишини ташкил қилишда ва бу ишда давлат корхона ва ташкилотларини, давлат тасарруфида бўлмаган кооператив, кичик корхона ва юридик шахслар томонидан бериладиган хайрия маблағларидан унумли фойдаланиш, шунингдек, жамғарма фаолияти учун кичик корхона ҳамда дўконлар очишга жой ажратиб бериш, аҳоли томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини қабул қилиш пунктларини очишга амалий ёрдам бериш топширилсин.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари ўз ҳудудларидаги идоралар раҳбарлари иштирокида маҳалла оқсоқоллари ҳамда аҳоли билан мунтазам равишда учрашувлар ўтказиб, улар томонидан билдирилган фикр, мулоҳаза ва таклифлар асосида ижтимоий муаммоларни ҳал этиш дастурини белгиласинлар.

9. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси (Ш. Темуров)га Халқ таълими вазирлиги (Ж. Йўлдошев) билан биргаликда бир ой муддат ичида «Оила — мактаб — Маҳалла» дастурини ишлаб чиқиб, жойлардаги педагогик жамоалар ва маҳалла фаолларининг асосий эътиборини унинг ижросига қаратиш;

Маданият ишлари вазирлиги (Э. Ҳайитбоев) билан биргаликда туман ва шаҳарлардаги қишлоқ, мавзе, маҳаллаларда маданий-маърифий ишларни янада жонлантириш, ёшлар ўртасида миллий истиқлол мафкурасига асосланган дўстлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳалоллик, жонкуярлик туйғуларини шакллантириш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ш. Каримов) билан биргаликда маҳалла ва мавзеларда аҳоли саломатлигини, экологик муҳитни яхшилаш, соғлом авлодни камол топтириш ишларини ривожлантириш;

«Ўзбекистон — Ватаним, маҳаллам — уйим» шиори остида осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш ишларида маъмурий органларга амалий ёрдам бериш, фуқаролар ўртасида байналмилал дўстликни янада мустаҳкамлаш вазифалари юклатилсин.

10. Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттириш компанияси (Ш. Яҳёев)га, республика ва вилоят газеталари таҳририятларига «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини мунтазам равишда кенг ёритиб бориш ва тарғиб қилиш тавсия этилсин.

11. Ушбу Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 1 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ТЕАТРЛАРИ АРТИСТЛАРИНИНГ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ШАРТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Театр артистлари театр санъатини ривожлантириш ва тарғиб қилишга катта ҳисса қўшаётганликларини, уларнинг республика ёш авлодини маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашдаги хизматларини инобатга олиб, шунингдек, ижодкор ходимларнинг моддий таъминотини янада яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси театрларида ишловчи артистлар учун 1993 йил 1 декабрдан бошлаб мансаб окладларининг 25 фоизи миқдорида маошларига ҳар ойлик устама ҳақ белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ушбу фармонга мувофиқ мансаб окладларига устама ҳақ белгиланадиган театр ходимлари тоифаларининг рўйхатини тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги мазкур устама ҳақларни жорий этиш билан боғлиқ сарф-харажатларни пул билан таъминлаш манбаларини аниқлаш топширилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 3 декабрь.

8 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

ТОШКЕНТ-1992

ФУҚАРОЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 2-моддасида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» деган сатрлар бор. Косон туманидаги «Қорабайир» давлат хўжалиги директори Тожи Султонов бу масъулиятни чуқур англаб, эл-юрт фаровонлиги учун ғайратни аямаяпти.

ХДП аъзоси Тожи Султонов ишчан ва тадбиркор раҳбар. У 11 йилдан бери ана шу хўжаликка бош-қош. Одамларнинг бирига ота, бирига ака, ғамхўр. Унинг ташаббускорлиги туфайли қадимий Қорабайир қишлоғи бутунлай қайта қурилди. Ўтган йил ичида 120 нафар оила хўжалик маблағи ҳисобидан қурилган янги уй-жойларга кўчиб ўтди.

Директорнинг саъй-ҳаракати билан қишлоқ телефонлашди. Радио нуқталар ўрнатилди. Ҳозир кўчаларга табиий газ келтириляпти. Тоза ичимлик сув билан таъминлаш чоралари кўриляпти.

— Мақсадимиз аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилмоқда, — дейди хўжалик партия ташкилоти котиби ўринбосари Эштемир Қўзиев. — Уч йилда дирекция томонидан 150 оилага томорқа берилди. Улар оқар сув билан таъминланди. Ишчилар дон ва чорва озуқаси билан таъминланяпти.

Хўжалик чўчқачиликка ихтисослашган эди. У узоқ йиллар камомад келтирди. Шунинг учун ҳозирги кунда қорамолчиликка ихтисослашяпмиз. Боқувимизда 2 минг бош маҳсулдор қорамолимиз бор. Янгидан 9 минг қорамолга мўлжалланган молхона барпо этиляпти. Совхознинг иқтисодий аҳволи ёмон эмас Топган пулимизга аҳолига уй-жой қуряпмиз. Ҳаммом битай, деб қолди. Яқинда 14 та коттеж типидаги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги хонадонлар илғор ишчилар, меҳнат фахрийларига бепул расмийлаштириб берилди. Жумладан, фахрийлардан Емельян Югай, Ойлар Муҳаммадиева, Эштўти Хушвақтов, уйга муҳтож илғор ишчилардан Омон Салимов, Султон Нуримов, Муқим Қурбонназарова, дорихона мудири Наташа Ясикова кабилар хўжалик раҳбариятининг ҳиммати билан ҳар бири бир миллион 200 минг сўм турадиган янги турар жойларга эга бўлишди.

Совхоз маъмурияти хўжалик қишлоқларида яшовчи аҳолининг яхши кунига ҳам, ёмон кунига ҳамдард, мададкор. Ёшларнинг бахт тўйларига кетадиган сарф-харажатни хўжалик кўтаряпти. Етим-есир, бева-бечоралар боши силаняпти. Бахтимиз қомусида қўйилган вазифаларни қалбдан англаган Тожи Султоновдек раҳбарлар-гина ана шундай эл-юрт ташвиши йўлида тиниб-тинчимайдилар.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЮРТНИ СЕВМОҚ— САОДАТ

Самарқандликлар бахтимиз қомуси — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллигига ўзгача шукуҳ, тароват билан келмоқдалар. Вилоятдаги барча қишлоқ ва шаҳарларда чинакам фидойилик ҳукмрон. Биргина кейинги ҳафта ичида жойлардан 60 дан зиёд ижтимоий ва ишлаб чиқариш йўналишидаги бинолар фойдаланишга топширилди.

Ушбу муҳим сиёсий маъракани ўтказиш юзасидан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Н. Холиқов бошчилигида тузилган комиссия аъзолари кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб бордилар.

Барча туманларда Конституция куни муносабати билан тантаналар ўтказилди. Турмушимизни фаровон қилаётган фидойилар, шунингдек меҳнат фахрийлари, юрт оқсоқоллари ҳурмати жойига қўйилди. Биргина «Маҳалла» жамғармаси юздан зиёд қарияларга зарур ёрдам кўрсатди. Вилоят марказида ҳам шу санага бағишлаб тантанали йиғилиш бўлди.

— Биз мустақиллигимизни, эркимизни ниҳоятда қийинчилик билан қўлга киритдик, — деди тантанада маъруза қилган вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов. — Эндиги вазифа ана шу мустақилликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу борада Конституциямиз биз учун энг муҳим дастурдир.

Самарқанддаги энг муҳташам ресторанда жамият фидойиларидан 200 нафарга дастурхон тузалди. Бир пиёла чой устида юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида мулоҳазалар айтилди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАРҒИБОТЧИЛАР ГУРУҲИ

Жиззах вилоятида умумхалқ байрами — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигини муносиб кутиб олиш тадбирлари кўрилаётир. Вилоят ҳокимлиги қошида ҳуқуқшунос, тарихчи ва файласуф олимлар, халқ депутатлари, сиёсий партиялар, фахрийлар, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари вакилларидан иборат тарғиботчилар гуруҳи тузилди.

50 кишидан иборат гуруҳ аъзолари пахта далалари, чорвачилик фермалари, саноат корхоналари ва қурилиш майдонларида, ўқув юртларида, маҳаллаларда ҳаётимизнинг асосий қонуни юзасидан қизиқарли суҳбатлар ўтказишаётир.

Меҳнат жамоалари бу улкан байрамга муносиб меҳнат совғалари ҳозирлашмоқда. «Жиззахчўлқурилиш» бирлашмаси бунёдкорлари байрам арафасида Зомин туманидаги 11-хўжаликда 140-ўринли болалар боғчаси биносини ҳамда чўл хўжаликларида 4 минг квадрат-метр уй-жойни фойдаланишга топширишга, 400 гектар янги ерни ўзлаштиришга аҳд қилишган.

Бахтиёр РИЗАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



● Ҳамкорлик

ИШБИЛАРМОНЛИК САМАРАСИ

Марҳамат туманидаги хўжалик ҳисобидаги 4-автотранспорт корхонаси эҳтиёт қисмлар тақчиллигини тугатиш йўлини топди.

Корхона меҳнатчилари «ЗИЛ» ва «ГАЗ» сингари автомобилсозлик корхоналари билан шартнома тузиб, у ерга шофёр ва слесарларни вақтинча ишга юборишди. Улар иш ҳақидан ташқари корхона учун зарур эҳтиёт қисмларни оладилар. Дастлабки 20 киши Андижондан Москва ва Нижний Новгородга жўнаб кетди. Икки ойдан сўнг улар алмаштириладн. Корхона меҳнатчилари туманда транспортнинг яхши ишлашини таъминлаш учун ички имкониятларни ишга солмоқдалар. Хусусан, улар машиналарни таъмирлаш учун ўзлари бир қанча деталларни ясашни йўлга қўйдилар.

Бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш юритиш яхши самара бера бошлади. Улар ўтган 10 ой ичида 300 миллион сўм фойда олдилар.

● Байрам шарафига

ҲАШАР—ЭЛГА ЯРАШАР

Фарғона пойабзал ишлаб чиқариш корхонасида республика Конституцияси бир йиллиги муносабати билан ўтказилган шанбалик куни 7 минг жуфт сифатли маҳсулот тайёрланди.

Бундан тушадиган даромаднинг 1 миллион сўмини хайрия ишларига сарфлаш мўлжалланмоқда. Вилоятда эса 400 мингдан зиёд киши умумхалқ ҳашарида иштирок этди. Ишлаб топилган 900 миллион сўм ёлғиз кишилар ва муҳтож оилалар эҳтиёжига сарфланади.

● Сени Ватан кутади

АҚШГА ЎҚИШГА

АҚШдаги «Акселс» халқ таълими ва тилларини ўрганиш бўйича ҳамкорлик кенгаши вакиллари инглиз тилини яхши биладиган ўқувчиларнинг саралаш мақсадида Тошкентга келишган.

Бу ташкилот бундай хайрли тадбирни амалга оширишга мўлжалланган бир қанча дастур ишлаб чиққан. Бу иш юртимизда ўтган йили бошланган эди. Ҳозирча 20 дан ортиқ ўқувчи АҚШга ўқиш учун йўл олди. 1993 йили Тошкент мактабларининг 700 дан ортиқ юқори синф ўқувчиси ўзига хос танловдан ўтишга ҳаракат қилди. Ҳозир америкаликлар вилоятларда бўлиб, иқтидорли ўқувчиларни танлашмоқда.

● Иқтисодиёт

БУРСИЛДОҚ НОНЛАР

Андижоннинг Қўшариқ мавзесида чоғроқ цех ўрнида барпо этилган нонвойхона дастлабки маҳсулотни чиқарди.

Корхона биносини қайта қуриб, янги печни ўрнатиш ишларини меҳнат жамоаси амалга оширди. Бу ишда шаҳар матлубот жамияти мутахассислари ёрдам беришди. Шу тариқа нон ишлаб чиқариш беш баробар кўпайди. Бир кеча-кундузда 5 тоннагача бўрсилдоқ нонлар тайёрланмоқда. Ҳозир Андижон нон комбинатида печлардан яна бири қайта тикланмоқда. Бу печ ишга туширилгач, комбинат бир кеча-кундузда 65 тоннагача нон етказиб берадиган бўлади.

● Қиш синови

МАДАД КУЧЛАРИ

Қорақалпоғистонда қалин қор тушиб, қаттиқ совуқ турди. Бу ҳол чорвадорлар ҳаёти ва ишини қийинлаштирди. Чорва молларининг касалланиш ва нобуд бўлиши ҳолларн қайд этилди.

Шундай қийин вазиятда республика раҳбарияти, Қишлоқ хўжалик вазирлиги чорвадорларга ёрдам уюштирди. Моллар учун ем-хашак, чорвадорларга иссиқ кийим, озиқ-овқат маҳсулотлари, истеъмол моллари етказиб берувчи гуруҳлар тузилди. Бу ишга етарли даражада транспорт сафарбар этилди. Ўнлаб молхона ва қўралар таъмирланиб, ситилди, чўпонлар билан алоқа йўлга қўйилди. Нукус ва Тошкентдан, турли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлардан ёрдам кела бошлади. Аммо, барибир, чорва қишловига доир барча масалалар ҳал қилинган, деб бўлмайди. Қишнинг изғирин кунлари энди бошланмоқда.

(Мухбирлар ва ЎзА хабарлари ҳамда хатлар асосида тайёрланди).

• *ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи*

ЁЛҒИЗ ОТНИНГ ДОНҒИ ЧИҚМАС

Ҳозирги пайтда ижтимоий-сиёсий вазият, одамлар кайфияти тез ўзгаряпти. Шунинг учун ҳам омма ўртасида сиёсий ва ташкилий ишларни яхшилаб, кишиларда партияга бўлган ишончни оширишни ҳаёт тақозо этяпти. Ана шуларни назарда тутиб, туман партия кенгаши ўз ҳузурида ва овул кенгашларида депутатлар қабул куиларини ташкил этди. Бу ерларда барча даражадаги ноиблар қабулхонага келган кишиларни қабул қилиб, муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам берадилар.

Туман кенгаши ижроия бюросининг диққат-марказида аҳоли билан ишлаш ва бу борадаги юмушларнинг усул-услубларини такомиллаштириб бориш туради. Шу мақсадда партиявий ишнинг муҳим йўналишлари бўйича бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан семинар-кенгашлар ўтказиб турилади.

Меҳнат жамоаларида туман партия ташкилотининг таянчи — раҳбар кадрлар, Ўзбекистон ХДП аъзолари ҳисобланишади. Туманнинг қарийб барча ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари раҳбарлари Халқ демократик партиясининг аъзоларидир. Барча халқ депутатлари кенгашларида партия гуруҳлари ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси улар орқали партия йўлини ўтказишга имкон беради.

Туман партия кенгаши кўпроқ бошланғич партия ташкилотларида ва меҳнат жамоаларида бўлиб, одамлар билан иш жойининг ўзида мулоқотда бўлишга ҳаракат қиляпти. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамасини тўғридан-тўғри дала меҳнаткашларининг тушки дам олиш пайтида ўтказилиши ўзининг самарасини бераётир.

Туман партия кенгаши кишиларни кўпроқ ташвишга солаётган ижтимоий масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор бераётир. Бу борада, айниқса, ҳокимият билан, шу билан бирга иқтисодий таъминот бўлими ва бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорликда ишлар олиб борилаётир. Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган Президент Фармонларининг қандай бажарилаётганлигига катта аҳамият бераётирмиз. Ижроия бюрода бу борада раҳбарлар — ХДП аъзоларининг ҳисоботларини эшитиб бориш тажрибаси кенг қўлланиляпти. Жумладан, ижроия бюрода Чимбой дон маҳсулотлари комбинати директори К. Иброҳимов ва «Бахитли» ижара хўжалиги бошлиғи Б. Мамбетмуротовларнинг ахборотлари эшитилиб, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича қандай амалий тадбирлар кўрилганлиги чуқур таҳлил этилди.

Шундай ишлар самараси ўлароқ, туман партия ташкилотлари сони ортиб бораётир. Кейинги пайтда тўртта янги бошланғич ташкилот фаолиятини бошлаб юборди.

Партиянинг миллий истиқлол мафкурасини яратишга доир нуқтаи назари муҳокамаси ҳам қизғин бормоқда. Жойларда муҳокамалар якунлангач, биз бу масалани туман кенгашининг кенгайтирилган пленумида атрофлича кўриб чиқиш ниятидамиз. Бу ишда кўпроқ кўргазмали ташвиқотга кенгроқ ўрин беришга ҳаракат қиляпмиз.

Туманимизда ўн еттита ҳудудий партия ташкилоти ишлаб турибди. Бундай ташкилотлар асосан колхоз, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарида тузилган. Шаҳарда эса партиядан ҳоли этилган муассасаларда ишловчи ХДП аъзолари ҳудудий ташкилотга бирлашган. Шулардан энг йириги саналган «Марказ» ҳудудий ташкилоти ўз сафига бир юз йигирма нафар партия аъзосини жипслаштирган. Бизнингча, бундай ҳудудий партия ташкилотлари анча уюшган бўлиб, тўла ишлаш қобилиятига эга. Эътироф этишимиз керак, бизда ҳали яшаш жойларидаги маҳалла қўмиталари яхши ривожланмаган.

Ишлаш шароити ва молиявий етишмовчиликларга қарамай туманимиз партия кенгаши сиёсий-ташкилий ишларни янада жонлантириш йўлида изланмоқда. Бу борада биз юқорида қайд этганимиздек, ҳокимият билан, ёшлар ташкилоти ва маҳаллалар билан ҳамкорликда ҳаракат қилаётирмиз. Ахир, бежиз айтилмаган: ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, деб. Барча билан елкама-елка, ҳамнафас бўлиб ишлаш—бош шиоримиз.

Тозагул АРЗЕКЕЕВА,
ЎзХДП Чимбой тумани кенгаши биринчи котиби.

• *Партиянинг миллий истиқлол мафкурасини яратишга доир нуқтаи назари—муштарийлар муҳокамасида*

УСТУНЛАРИ БОР ЮРТ

Авлодларимиз биз билан фахрланишлари, шубҳасиз. Биз ҳам ўз навбатида, аждодларимизга минг бора қуллуқ қилсак, улар билан ифтихор этсак арзийди. Юртбошимиз И. А. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган маърузасида «Халқимизнинг тарихи ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақалади ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданнятининг ривожланишида ёркин из қолдирган», деб бежиз айтмади.

Бу давлатларни давлат қилган шу заминнинг буюк фарзандларидир. Ҳозир қайси бир вилоятни олманг, у ердан бирор улуғ зот чиқмаган бўлсин. Биргина қадимий Қашқа воҳасидан ўнлаб шоир, тиббиёт, фиқҳ билимдонлари, қомусий илм соҳиблари, саркардалар етишиб чиққан. Фақат уларнинг меросини топиб ўрганадиган, халққа етказадиган одам керак.

Чунки (такрор бўлса ҳам айтиш керак) аждодларимиз яратган маънавиятимиз дурдоналари аҳлоқимиз тамойили, мафкурамиз асоси бўлиб хизмат қилади. Шуларни ўзлаштирсаккина миллий онгимиз шаклланади. Ўзўзини англаган, қадрини билган халқни эса ҳеч қандай куч енга олмайди ва йўлидан қайтара олмайди. Лекин кўкракни тоғ қилиб, мен ўзбекман, мустақил Ўзбекистон фарзандиман, дейиш осон эмас. Унинг улкан масъулияти ва ўтиладиган қатор довонлари бор.

Матбуотда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг миллий истиқлол мафкурасини яратишга доир нуқтаи назари (лойиҳа) эълон қилинди. ЎзХДП шаҳар, туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотларида шу масала юзасидан қизғин муҳокамалар бўлиб ўтмоқда. Унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавият соҳаларидаги барча ғоялари кишиларга маъқул тушмоқда. Улар бу ҳужжатни янада бойитиш ва такомиллаштириш юзасидан ўзларининг таклиф-истаклари, мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

Шукроналар бўлсинким, истиқлол туфайли биз ўзлигимизга қайтяпмиз. Аждодларимиз сиймоларига юз ўгиряпмиз. Ота-боболаримиз яратган маънавий неъматларни кўр-кўрона инкор этиш ва уларни реакцион таълимот, деб қоралаш барҳам топди. Биз боболаримизнинг адолат ва ҳақиқат бобидаги ғояларини аста-секин қалбимизга жо қила бошладик. Мустақилликка эришган жонажон Ватанимизда миллий қадриятларимизнинг тикланаётганлиги, улуғ аллома, саркардаларимизнинг номлари баралла тилга олинаётганлиги, уларнинг илми ва тажрибаси сарчашмасидан баҳраманд бўлинаётганлиги маънавий ислоҳот борасидаги дастлабки одимлардир.

Мен лойиҳанинг маънавият соҳасидаги бобига эътиборни кўпроқ қаратиш жоиз, деб билардим. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабздаги қадимий меъморчилик обидаларига бир назар ташланг. Улар имонга қўйилган ҳайкал. Уларни нопок одамлар яратганда шу кунларгача ўз салобати ва жозибаси билан кишиларни лол қолдирармиди? Ёки айтайлик, ахлоқ-одоб ҳукмрон бўлган жойда жиноят бўлиши мумкинми? Америкага бориб келган бир дўстимнинг айтишича, у ерда ғайриахлоқий жамиятлар бор эмиш. Жиноятга, жумладан, ўғирликка қарши кураш учун замонавий, мукаммал электрон-техника воситалари бор эмиш. Хўш, бу билан жиноят камайяптими? Ўша воситаларга сарфланаётган маблағни ахлоқий тарбияга сарфлаш яхши эмасми? Катта бойликнинг ўзи жамиятнинг баркамоллигидан нишона эмас.

Яқинда Американинг Чикаго шаҳридан меҳмон бўлиб келган қариндошимиз Сирожиддин Насафий билан суҳбат қурдим. Дастурхон устидаги илтифотларим унга ғалати туюлди. Меҳмонга бориш олдидан мезбон, албатта, огоҳлантирилиши, неча киши бораётганлиги айтилиши зарур эмиш. Бизда-чи, ҳозирги рўзғор қийинчиликлари шароитида ҳам кимдир бизни йўқлаб келса бошимиз осмонга етади, борини баҳам кўрамиз. Америкалик меҳмон истиқлол моҳиятини халққа тушунтиринглар, бу улуғ неъмат, дедилар. Пораҳўрлик каби иллатлар барҳам топиши, бозор иқтисодиётига ўтилиши билан Ўзбекистон гуллаб-яшнаган диёрга айланишига ишонч билдирдилар. У кишининг фикрича, бизнинг афзаллигимиз ҳали меҳр-оқибат, инсонийлик, имон йўқолмаганлиги экан. Бу сўзларга тўлиқ қўшиламан ва таъкидлайманки, қайси халқ маънавий инқирозга юз тутса, ўша халқ бир кун келиб жисмонан емирила бошлайди.

Менимча, муҳокама қилинаётган ҳужжатни «Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт дастури», деб аташ ҳам мумкин. Унда давлатнинг мақсади, унга эришиш йўллари, воситалари, мамлакат фуқаролари олдида турган муҳим вазифалар аниқ баён қилинмоғи, яъни миллий истиқлол мафкураси ўз ифодасини топмоғи лозим. Бу ҳаётий, мантиқан изчил, бизнинг шароитимизга ва руҳиятимизга мос дастур бўлмоғи керак. Унинг маънавият соҳасидаги қисмида тахминан қуйидагича қоидалар ҳам бўлиши керак, деб ўйлайман.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг тамойили:

Ўзбекистон фуқароси бўлиш улуғ ва фахрлидир;

— у ҳалол-пок, юксак ахлоқ соҳиби;

— она-Ватанга муҳаббат унинг ҳар бир ҳаракатини белгиловчи омилдир;

— у оилани муқаддас саналган туман кенгашининг кенгайтирилган пленумида атрофлича кўриб чиқиш ниятидамиз. Бу ишда кўпроқ кўргазмали ташвиқотга кенгроқ ўрин беришга ҳаракат қиляпмиз.

Туманимизда ўн еттита ҳудудий партия ташкилоти ишлаб турибди. Бундай ташкилотлар асосан колхоз, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарида тузилган. Шаҳарда эса партиядан ҳоли этилган муассасаларда ишловчи ХДП аъзолари ҳудудий ташкилотга бирлашган. Шулардан энг йириги саналган «Марказ» ҳудудий ташкилоти ўз сафига бир юз йигирма нафар партия аъзосини жипслаштирган. Бизнингча, бундай ҳудудий партия ташкилотлари анча уюшган бўлиб, тўла ишлаш қобилиятига эга. Эътироф этишимиз керак, бизда ҳали яшаш жойларидаги маҳалла қўмиталари яхши ривожланмаган.

Ишлаш шароити ва молиявий етишмовчиликларга қарамай туманимиз партия кенгаши сиёсий-ташкилий ишларни янада жонлантириш йўлида изланмоқда. Бу борада биз юқорида қайд этганимиздек, ҳокимият билан, ёшлар ташкилоти ва маҳаллалар билан ҳамкорликда ҳаракат қилаётирмиз. Ахир, бежиз айтилмаган: ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, деб. Барча билан елкама-елка, ҳамнафас бўлиб ишлаш—бош шиоримиз.

Тозагул АРЗЕКЕЕВА,
ЎзХДП Чимбой тумани кенгаши биринчи котиби.

ЯПОНИЯДАН СОВҒА КЕЛДИ

Япония республикамизга юборган инсонпарварлик ёрдамининг дастлабки қисми Тошкентга етиб келди. Саккизта темир йўл контейнерида ўта тақчил бўлган дори-дармон, бир марта фойдаланиладиган шприцлар, жароҳатни тикадиган ва боғлайдиган материаллар ва бошқа тиббий асбоб-ускуналар бор. Бу совғани Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамиятлари халқаро федерацияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётган Япония Қизил хоч жамияти юборган.

Бу қимматбаҳо дори-дармон ва асбоб-ускуналар республиканинг 500 дан ортиқ тиббиёт муассасаларига, жумладан, туманлар марказий шифохоналари, туғруқхона ва болалар клиникаларига юборилади.

Яқин орада республикамизнинг яна ўнта шаҳрига темир йўл орқали Японияда ана шундай юк келади. Махсус комиссия бу зарур дори-дармон ва асбоб-ускуналар шифохоналарга тўғри етиб боришини назорат қилиб туради.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎзА мухбири.



Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Бахмал туманидаги Ўсмат тикувчилик фабрикаси тайёрлаётган маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги, бежиримлиги билан харидоргирдир. Фабрика тикувчилари тикқан болалар ва катталар кўйлаги, аёллар халати ва бошқа турдаги кийим-кечаклар савдо пештахталарида узоқ туриб қолмайди. Бу эса корхонанинг қай даражада самарали ишлаётганидан далолат, албатта.

СУРАТДА: тажрибали тикувчи Нигора Алимова.
Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЭҲТИЁЖМАНДЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 47-сессияси эҳтиёжманд-кексалар, ногиронларга ғамхўрлик қилиш, дунё жамоатчилиги фикрини улар ёрдам ва меҳр-шафқатга муҳтож эканига жалб этиш мақсадида 3 декабрни Халқаро ногиронлар куни деб эълон қилди. Бу кун Ўзбекистонда ҳам илк бор нишонланди.

Шу муносабат билан республикамизнинг бир қанча ногиронлар жамиятларида бўлдик.

— Мамлакатимизда 350 мингдан зиёд ногирон бор, — деди республика ногиронлар жамияти раисининг ўринбосари Фарҳод Абдураҳмонов. — Мақсадимиз уларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга кўмаклашиш, баҳолиқудрат меҳнатга жалб этиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Бу борада жамиятимиз республика Ижтимоий таъминот вазирлиги, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда бирталай ишларни амалга ошираётир. Хусусан, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда, қариялар ногиронлик аравачалари ва айрим озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминланмоқда.

3 декабрь биз учун улар билан яна бир бор дийдорлашув, ҳол-аҳвол сўрашув куни бўлди.

— Байрам куни, — деди республика карлар жамияти марказий идорасининг раиси Боқижон Мирҳожиев, — жамиятимиз маданият саройида фахрийлар, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилди, совға-салом топширилди. Вилоятлардаги идораларимиз ҳокимликлар ва ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари билан биргаликда белгиланган дастур асосида турли байрам тадбирларини ўтказди. Бу ишга «Меҳрибонлик» жамияти ва «Наврўз» хайрия жамғармаси жалб этилганди.

— Жамиятимиз аъзолари Халқаро ногиронлар кунини ижтимоий фойдали меҳнатда эришилган қувончли ютуқлар билан кутиб олишди, — деди республика кўзи ожиз ногиронлар жамияти раёсатининг раиси Насиба Санъатова. — Йиллик иш режаларимиз муваффақиятли уддаланмоқда. Ҳозирдаёқ режадан ташқари 300 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрланди.

Бизда 10 мингдан кўпроқ ногирон ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилган. Улар учун ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари қошида кичик тармоқ шохобчалари очилган.

Жамият тасарруфида юрак-асаб касалликлари шифохонаси, учта болаларни соғломлаштириш оромгоҳи кўзи ожизлар ва уларнинг фарзандларига хизмат қилмоқда. Ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари қошида ўнта болалар боғчаси ишлаб турибди. Биринчи гуруҳ ногиронлари учун саломатлик масканлари ва бошқа даволаш муассасаларига текин йўлланма берилмоқда.

Ҳа, республикамизда эҳтиёжмандлар ҳамиша эътибор ва эъзозда. Бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ моддий қийинчиликлар шароитида ҳукуматимиз уларни ижтимоий ҳимоялаш, жонига аро киришга алоҳида аҳамият бермоқда. Шунинг учун ҳам Халқаро ногиронлар куни республикамизда байрам сифатида нишонланди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

• *«Останкино» кўзгусидаги доғлар*

БОЙҚУШНИНГ ТУНГИ НОЛАСИ

Собиқ СССР республикалари ўз давлат мустақилликларини эълон қилганликларидан кейин Москвадаги айрим оммавий ахборот воситалари демократия учун кураш шиорини ниқоб қилиб, аслида СССРни тиклаш ғоясини тарғиб этдилар. Бу мустақилликка эришган давлатларни ва уларнинг халқини хушёрликка ундади. Оқибатда Ўзбекистоннинг «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ишчилари «Известия»ни босиб чиқаришдан бош тортишди. «Комсомольская правда» бир неча ой Ўзбекистондаги мухлисларидан ажралиб қолганидан кейин ҳушёр тортиб, ҳамдўстликдаги мустақил давлатларга нисбатан тарғибот-ташвиқот ишлари йўналишини ўзгартиргандай бўлди.

Хўш, «Останкино» телекомпаниясичи?! У қайси ғоя ва қандай мақсадга хизмат қиляпти? Аввало шуни айтиш керакки, Александр Яковлев раҳбарлик қилган 1991—1992 йилларда «Останкино» буюк давлатчилик ва буюк миллатчилик кайфиятидаги сиёсий гуруҳларга астойдил хизмат қилди. Ўшанда Жириновский, Макашов, Алкснис сингари миллатчи экстремистлар «Останкино»нинг доимий вайсақилари эди. Қандай сиёсий компания бўлмасин, улар экранда пайдо бўлиб, мустақил давлатларни, рус бўлмаган халқларни камситишар, сурбетлик билан куч ишлатиб СССРни тиклаш тўғрисида сафсата сотишарди. Бироқ 1993 йил бошида «Останкино» раҳбариятида ўзгариш бўлганидан кейин миллий республикалар — мустақил давлатлардаги телетомошабинлар телекомпания тарғибот-ташвиқот ишлари йўналишини ўзгартириб, ҳамдўстликдаги барча давлатларни ва халқларни ҳамкорлик йўлида бирлаштириб, уларнинг маънавий, тарихий, иқтисодий, геополитик манфаатларини бирдек ҳурматлашга хизмат қилади, деб умидвор бўлишганди. Афсуски, кейинги пайтда Россияда авж олдириб юборилган муҳим сиёсий компания — федерал мажлис ва давлат думасига бўладиган сайлов баҳона «Останкино» минбари ярим собиқ империяни қўмсаб оҳу воҳ қилаётган миллатчи экстремистларга берилди. Яна ўша отнинг қашқасидек ҳаммага маълум Владимир Жириновский ва унинг СССРни эслаб аза тутаётган маслакдошлари сиёсий майдонга чиқиш учун сафсата сота бошлашди. Уларнинг бир нечтаси ҳатто давлат думаси аъзолигига номзод.

Таниқли журналист Владимир Познер Россияда бўлиб ўтган Президент сайлови арафасида ойнаи жаҳонда суҳбат ўтказиб, Президентликка номзод Владимир Жириновский ҳақида шундай деган эди: «Миллатчилар, экстремистлар, безорилар, ўғрилар ва текинтомоқларга умид боғлаб, халқнинг ҳиссиётидан ўз манфаати йўлида фойдаланаётган Жириновскийни фашист дейиш мумкин». Жуда тўғри таъриф!

Ўшанда Президент сайловида қатнашганлиги кўпчилигимиз учун ғайритабиий, бир ҳисобда кулгили туюлганди. Бироқ янглишган эканмиз. Сайлов натижасига кўра, у ҳукуматни бошқарган Николай Рижков, сиёсат бобида танилган Омон Тулеев сингари арбобларни ҳам ортда қолдирди. Ўшанда Жириновский тоифасидаги одамлар Россияда оз эмаслигига ишонч ҳосил қилгандик.

Бундан икки ярим йил аввал, агар Президент бўлса фақатгина Ўрта Осиё нинг моддий бойликларигина эмас, балки Покистон, Эрон, Ироқ, Афғонистон ва жанубдаги бошқа мусулмонлар яшайдиган ҳудудларнинг озиқ-овқат ресурсларини ҳам Россияга тортадиган қуроллар бошлади. Қўшни мустақил давлатларга даъдаға қилиш — унинг сайловолди дастури. Сурбетлик билан қилинаётган даъдағани оддий вайсақилик деб бўлмайди. Негаки, айрим тахминларга кўра, сайловда унинг партияси 10—12 фоиз овозга эга бўлиши ва Россияда етакчи сиёсий кучлардан бири бўлиб майдонга чиқиши мумкин эмиш. Жириновский телеэкранга чиқиб, қўшни мустақил давлатларга, уларнинг тарихи, маданияти, маънавияти ва халқига нисбатан ҳақоратомуз гаплар айтар экан, бу ҳеч кимни, ўз мустақиллигига эришган ҳеч бир давлатни, аввало Россия ҳукуматини бефарқ қолдирмаслиги керак. Чунки, у бу гапларни бир неча миллионли ўз сайловчилари номидан гапиряпти. Давлатлараро ва халқлараро муносабатларда эса бундай сиёсий сурбетликка йўл қўйиб бўлмайди.

Сайловда Россия демократик партияси ҳам қатнашяпти. Партия раиси Николай Травкин либерал-демократик партия раисининг сурбетлиги ва экстремистик чиқишига баҳо бериб: «Владимир Жириновский ғалаба қилиши учун бутун Россия халқи ақлдан озиши керак», деди. Бу фикрга қўшилмаслик мумкин эмас. Наҳотки, Россиянинг келажагини Жириновскийга ўхшаган «ақлдан озган» кишилар белгилашса?!

Йўқ, буюк давлатчилик ҳамда буюк миллатчилик васвасаси баъзилар ўйлаганчалик жўн ва ўткинчи эмас экан. Николай Травкин экранда чиққан куннинг эртасигаёқ ҳозир Россияда одил судлов тизими деб тан олинаётган третейский судида айрим номзодларнинг ноэтик баёнотлари кўриб чиқилган. Жумладан, Николай Травкин Жириновскийга нисбатан айтган юқоридаги фикри учун огоҳлантирилибди. Воажаб! Бир қанча давлатларни ва халқларни ҳақоратлаган калтабин сиёсатчи тартибга чақирилмай, аксинча, рус халқининг шаънини ҳимоя қилган ақл-идрокли арбоб огоҳлантирилса? Эҳтимол третейский судининг номи қадимий бўлгани билан судлов моҳияти замонавийдир? Травкин телеэкрандаги чиқишида: «Жириновский ҳокимият учун курашда ғалабага эришолмайди, бироқ бошқа халқларни қўрқитишда ҳукумат ундан сиёсий омил сифатида фойдланади» деган эди. Афтидан, Травкиннинг тахмини тўғрига ўхшайди. Акс ҳолда у давлат назоратидаги «Останкино» телекомпанияси экранида бу даражада сурбетлик қилмаган бўларди.

Айтгандай, «Останкино»дан кўпинча ҳамдўстликдаги давлатларда руслар камситилаётганлиги ҳақидаги мишмишлар тарқатилади. Белорусь, Украина ҳозироқстон раҳбарлари бундай мишмишлар асоссиз эканлиги ҳақида бир неча бор баёнотлар беришди. Бундай баёнотларни биз негадир «Останкиуйдирмаларга, шовинистик чиқишларга бефарқ қарашмаяпти. Рус тилида чиқадиган матбуот нашрларида, шунингдек радиомизнинг рус бўлимида ишлайдиган ҳамкасбларимиз туҳматчиларга муносиб зарба беришаяпти. Яқинда бир гуруҳ рус ҳамкасбларимиз билан шу тўғрида гаплашиб қолдик. Улар ташвишланиб: «Афтидан, «Останкино» раҳбарлари «Известия»нинг Ўзбекистондаги тақдиридан ҳулоса чиқариб олишмаган кўринади», дейишди.

Шу суҳбатдан кейин орадан бир кун ўтиб, юз берган ҳолат ажратилган эфир вақти айрим номзодлар учун оғизга сиққанча сафсата сотадиган имконият эмаслигини кўрсатди. Сайловда қатнашаётган барча партиялар ва сиёсий блокларнинг вакиллари Президент Борис Ельцин ҳузурига таклиф қилинди. Ҳукуматга ва унинг сиёсатига тош отишни асосий дастур қилиб олган партиялар ва сиёсий блокларнинг раҳбарлари Президентга бундан кейин экранда ўйлаб гапиришга ваъда беришди. Бироқ «Останкино»чилар шарҳида бошқа давлатларга ва халқларга тош отаётган номзодлар Президентга қандай ваъдалар беришгани ҳақида ломмим дейилмади. Лекин третейский суди режиссёр-сиёсатчи Станислав Говорухинни жиддий огоҳлантирди.

Бироқ ҳар қандай ифвогарона сафсатабозлик Ўзбекистон аҳолисини, ўзбек халқини чалғита олмайди. Миллатлар ўртасида низо туғдириб, юз берадиган ҳолатдан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлганлар ҳато ўйлашади. Бу гап, авало, эфир вақтини сотиб олиб сурбетлик қиладиганларга тегишли. Президентимизнинг миллатлараро тотувлик йўлини танлаб, бу борада изчил сиёсат юритаётганлигини бутун дунё кўриб турибди. Бундан бир ой олдин Ислом Каримов Францияда бўлганида Президент Франсуа Миттеран унга шундай сўзлар билан мурожаат қилганди: «Жаноб Президент, Сиз турли халқларга ҳурмат билан қарашингизни биламан. Сизнинг сиёсий нутқингиз ва ҳаракатларингиз «тотувлик, барқарорлик, бирдамлик» деган сўзлар билан ажралиб туради. Ўзбекистонга тарихий фалокатдан омон қолиш имконини берган шу минг йиллик донолик ҳозирги тарихий даврда танглик белгилари мавжуд бўлган минтақадаги асосий омилдир».

Бундай эътирофни халқлар ўртасида адоват уруғини сочувчи нодонларгина тан олишмайди. Франсуа Миттеран айтган ўша минг йиллик доноликнинг шаклланишига муносиб ҳисса қўшган Х асрнинг забардаст шоири Абумансур Дақиқий нодонларга қарата:

«Фитна оташини шундай ёқибсан,
Қоп-қаро юз билан элга боқибсан».

деган экан. Телеэкрандаги сурбетлик эл олдидаги юзи қораликдан бошқа нарса эмас.

Абдусанд КЎЧИМОВ,
Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари.

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистон радиоси бош директорининг ўринбосари.

• *Журналнинг янги сонида*

«МУЛОҚОТ»

«Мулоқот» журналининг 1993 йилги ўн бир, ўн иккинчи қўшма сонлари босмадан чиқди. Журналнинг дастлабки саҳифаларидан ўрин олган «Мустақил мамлакатни бошқаришнинг янгича йўллари» сарлавҳали мақолада Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, академик Иброҳим Искандаров Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китоби ҳақида мулоҳазаларини баён этган.

Журналдаги иккинчи мақола ҳам Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари» китобига бағишланган «Истиқлол дастури» мақоласидир. Ушбу муҳим дастур ҳақида муаллифлар — Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси Мурод Шарифхўжаев билан иқтисод фанлари доктори, профессор Аҳмаджон Ўлмасовлар атрофлича ва чуқур мулоҳаза юритганлар.

«Миллий истиқлол мафкураси» номли доимий рукн остида ёритилган навбатдаги мақола «Мулоқот» журналининг Бош муҳаррири Барот Бойқобилов қаламига мансуб бўлиб, у «Инсон қадри ва миллий ғурур» деб номланган. Мақолада, миллий истиқлол мафкураси; у қандай бўлиши керак? — деган саволга муаллиф ўз қарашлари, далиллар ва ҳаётий мисоллар билан жавоб беришга ҳаракат қилган.

Ўзбекистоннинг мустақил давлатчилик ҳуқуқий асосини унинг Конституцияси (Асосий Қонун) ташкил этади. Профессор Мириноят Файзиев «Мустақиллик кафолати» мақоласида Ўзбекистон Конституциясининг бир йиллигини тараннум этган.

«Мулоқот» меҳмони» рукни остида берилаётган мақолалар долзарб воқеаларни ўз қамровига олади. Бу галги меҳмонимиз «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концернининг раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Шавкиддин Мирзаев. У киши билан журнал мухбири мулоқот қилган.

«Тарбия: муаммо ва ечимлар» сарлавҳали мақола иқтидорли олим Аҳмаджон Эшонқуловнинг ижтимоий ҳаётга қарашларининг маҳсулидир. Мақолада феъл-атвор, эътиқод, дунёқараш сингари масалаларга ижодкор ўз нуқтаи назари билан ёндошган.

Булардан ташқари, журнал саҳифаларида иқтидорли ёзувчи Нормурод Норқобиловнинг «Ҳамият» номли ҳикояси, истеъдодли шоир Икром Отамуроднинг «Дунёндун — чархланган фалак» деб номланган туркум шеърлари ҳам ўқувчиларни бадиий олам билан ошно тутинишга даъват этади.

Туркистоннинг буюк мутасаввуфлари номи доимий рукнида берилаётган бу галги мақола «Ҳаким ота» (Сулаймон Боқирғоний) деб номланган. У иқтидорли олим Ориф Усмон қаламига мансуб. Шунингдек, адабиётшунос Асқар Мусоқуловнинг «Қалин» мақоласи, «Мулоқот» дафинаси» рукни остида доимий бериб бориладиган ирим-сиримларга оид қизиқарли мақолалар ўрин олган.

Хуллас, журнал йил давомида муштарийларнинг энг яхши суҳбатдошига, дилдошига айлана олди, дейиш мумкин. Айни кунларда журналга обуна қизғин давом этмоқда. «Мулоқот» индекси: 75401.

• *Ҳисобини билмаган—ҳамёнидан айрилар*

ТРАКТОР «ТАР-ТАР» ЭТАР...

Шаҳардан келиб қишлоғимизга бурилганимда, пешин маҳали эди. Маҳаллада механизаторларнинг тракторлар моторини ўчирмаган ҳолда йўл четига қўйиб, ўзлари тушлик қилиш учун уйларига бепарво кириб кетганларини кўриб шу ҳақда ёзишга аҳд қилдим.

Бозор иқтисодиёти бизни фойда-зарарни ажратиб иш қилишга ўргатмоқда. Дарднинг катта-кичиги бўлмаганидай, зарарнинг тирноқчаси ҳам зиён. Томнинг бир жойидан чакка ўтдими, бутун хонанинг полини чиритади, деворларини нуратади, тўсинларни қийшайтиради. Буни ҳаммамиз яхши биламиз. Чунки том ўзимизники, қолаверса унн чўнтагимиздан пул сарфлаб қурганмиз.

Кўчада ёки далада тўхтаб турган тракторларнинг ҳам моторлари ишлаётганини кўраверіб ўрганиб қолганмиз. Борди-ю, бирон киши юрак ютиб нега шундайлигини сўраса, «аккумулятори йўқ» деган қисқа жавобни олади. Беихтиёр «аккумулятор қиммат бўлса керак-да», деб кетаверамиз. Аслида шундайми? Фактларга назар ташлайлик-чи!

Андижоннинг Булоқбоши туманидаги бир қанча жамоа хўжаликларининг трактор саройларида бўлганимизда бир нарсага амин бўлдик. Техника ёмғир ўтмайдиган айвонлар тагида эмас, шағал ёки тупроқдан «ҳосил қилинган тепаликлар» устига тўхтатиб қўйилар экан. Мана, бир кун бурунги ёққан ёмғирдан трактор ўриндиқлари ҳўл бўлиб, тупроқдан «ясалган» тепаликда ҳайкалдай қотиб эгасини кутмоқда. Тракторчининг ҳеч нарса билан иши йўқ. Ўриндиқ ҳўл бўлса нима, тракторнинг эҳтиёт қисмлари зангласа нима? Механизатор келди-да, «от»ини пастликка туширди.

Эрталаб саройдан чиқаётган прицепли тракторлар юк ташиса, сеялка илинганлари ниҳолларга ишлов бериш учун кетади. Пайкалга кирган трактор борки у фойдали иш қиляптими, йўқми — барибир, моторини ўчирмайди. Ёки ниҳолларни ўғитлаш даврини олиб кўрайлик. Бир кунда олти-етти бор тракторнинг дори сепувчи бешта косасига ўғит тўлдирилади. Бу жараён 30—60 минут давом этса, техника 3—4 соат тўхтаб турганда ҳам мотори ўчмайди. Бунга тушликка чиқилганда кетган бир соат вақтни ҳам қўшсак, тракторимиз куннинг ярмини беҳуда ёнилғи сарфлаш билан ўтказгани маълум бўлади. Прицепли тракторларни-ку, айтмай қўя қолайлик. Улар юк юклаётганда ҳам, тушираётганда ҳам мотори ишлаб тураверади.

Ҳозирги кунда Андижон вилоятида жамоа хўжалиги транспортларидан фойдаланиш учун яхши тадбир қўлланилмоқда. Кимгаки юкини бирон жойга олиб бориш, ёки ер ҳайдатиш зарур бўлса, хўжаликдаги мутасадди кишига пул тўлаб, патта олиб транспортдан фойдаланмоқда. Бу — деҳқон учун яхши. Лекин минг-минглаб пул тўланган транспортнинг мотори ҳеч ўчмагач, ёнилғиси тугаб қолса унда кимга зарар? Яна деҳқонгами?

Ваҳолонки, ўша ортиқча сарфланган ёнилғининг ўзгина қисмига аккумулятор сотиб олиш мумкин. Бундан ташқари, қишлоқларда кўп транспортлар иш жойида қолади. Моторини ишлатиш учун қаердандир бошқа транспорт топиб ўт олдирсангиз, бир йилда 8 миллион 990 минг 525 сўм кетади. Шу пулнинг, боринги, 150 минг сўмига аккумулятор сотиб олиниб, у икки йил ишлатилса, 17 миллион 981 минг 50 сўм битта транспортдан фойда келади. Буни нега ўйлаб кўрмаймиз? Бошқача айтганда, жамоа хўжалиги бўйича 60 та трактор бўлса, унда деҳқонларимиз топган 10 миллиардлан кўпроқ пул ёнларига қоларди-ку! Вилоят бўйича, жумҳурият бўйича-чи? Чакка уйни, аккумуляторсиз ишлаётган трактор «тар-тар» этиб, хўжаликни вайрон қилиши ҳеч гап эмас.

Қисқаси, аккумулятор сотиб олинса, ҳам иш унуми, ҳам меҳнат самарадорлиги ортарди. Ҳавога учаётган пулларимиз мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга сарфланган бўларди.

«Ҳисобини билмаган —ҳамёнидан айрилар», деб бекорга айтишмайди-ку, ахир.

Шуҳрат МУСАЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг Андижон вилояти бўйича мухбири.

• *Олимлар тажрибахонасида*

ЮҚОРИ САМАРАЛИ УСУЛ

Ўзбекистон Фанлар академияси «Биолог» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмасининг ўсимликлар биологик тажриба институтидаги «Ғўза иммунитети» тажрибахонаси ташкил топганига салкам ўттиз йил бўлди. У дастлаб ўсимликлар оламидаги жараёнларнинг асосий негизини ўрганиш билан шуғулланарди.

1983 йилдан бошлаб эса тажрибахона халқ хўжалигига амалда синалган, илмий жиҳатдан асосланган ишланмаларни бера бошлади. Олимлар республикамизнинг асосий қишлоқ хўжалиги экини бўлган пахта ҳосилдорлигини ошириш, унинг турли хил касалликларга чидамли навини яратиш мақсадида илмий изланишлар олиб боришди. Шу йили тажрибахона мудири, профессор М. Авазхўжаев раҳбарлигида ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини касалликлардан ҳимоя қилишнинг янги усули ишлаб чиқилди. Бошқирдистон кимё институти билан ҳамкорликда яратилган янги препаратга «Бисол—2» деб ном берилди. Бу препарат экологик жиҳатдан тоза бўлиб, ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган кимёвий воситалардан кескин фарқ қилади. У ўсимликларнинг турли касалликларга чидамлилигини ошириш билан бирга, уларнинг ўсиш ва ривожланиш суръатини тезлаштиради. Ҳосилдорликни эса 3—4 фоиз оширади. Моддани қўллаш усули шундан иборатки, ўсимликнинг табиий ривожланиши таъсирида, касалликка қарши унинг ички имкониятлари сафарбар қилиниб, барча ҳимоя жараёнлари ишга солинади.

Республикамизнинг Тошкент, Наманган, Фарғона, Хоразм, Бухоро каби вилоятларида 20 минг гектарга яқин майдонда ўтказилган синовлар шуни кўрсатдики, агар чигит «Бисол—2» эритмасида ивитилса, ғўза ниҳоллари 2—3 кунда бир текисда тўла ва соғлом униб чиқади ҳамда ундаги илдиз чириши, гоммоз каби касалликлар кескин камаяди. Бундай синовлар фақатгина бизда эмас, шунингдек қардош республикалар далаларида ҳам олиб борилди ва ўзининг ижобий натижасини берди. Масалан, 1989 йилда ғўзанинг илдиз чириш касаллиги 73 фоизни ташкил қилган бўлса, «Бисол—2» препарат қўлланилгандан кейин касаллик умуман учрамаган. Вильт касаллиги эса 35 фоизга камайган. Ўтказилган синовлардан шу нарса маълум бўлдики, агар чигит «Бисол—2» эритмаси билан ивитиб экилиб, қўшимча равишда ғўзанинг ривожланиш даврида пуркаш орқали ишлов берилса, кўсакларнинг сони ошади ва пишиши тезлашади.

«Бисол—2» препарати беда, буғдой, маккажўхори каби оралиқ экинларида, помидор, бодринг сингари полиз экинларида ҳамда олма, тут, узум каби мевали дарахтларда ҳам қўлланганда, ижобий самаралар берди.

«Бисол—2» препарати ишлаб чиқариш технологияси содда бўлиб, кўп маблағ талаб қилмайди. Аммо бу моддани қўллаш натижасида олинган иқтисодий фойда анча юқори. «Ғўза иммунитети» тажрибахонаси ходимлари томонидан ишлаб чиқилган бу янги препарат Давлат кимё комиссияси томонидан қишлоқ хўжалигида қўлланишга рухсат этилди. Агар у ўзимизда ишлаб чиқилса, жуда катта фойда келтиради.

Олимлар ҳозирги пайтда ҳам илмий-тадқиқотларни давом эттириб, юқоридаги препаратдан ҳам арзонроқ, сифатлироқ, шунингдек, экологик муҳитга мос янги моддалар устида иш олиб боришмоқда. Бу борада тажрибахонада худди шу соҳада фаолият кўрсатаётган қатор хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот институтлари билан алоқа қилади. Хусусан, АҚШ, Исроил, Англия, Ҳиндистон, Хитой, Япония каби давлатлар билан олиб борилаётган илмий ҳамкорлик ижобий самара бермоқда. Уларнинг асосий мақсади ғўза парвариши учун янги моддалар яратиш билан деҳқонларнинг юқори ҳосил олишига замин яратишдан иборатдир.

Назира СОДИҚОВА.



ДАРОМАДГА ҚАРАБ БУРОМАД

Бу йил Косонсой тумани сабзавоткорлари, боғбонлари фидокорона тер тўкдилар. Натижада мўлжалдагидан ҳам мўл-кўл ҳосил етиштирилди. 4633 тонна узум тайёрланиб, давлатга сотилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 1742 тонна кўпдир. Ана шу муваффақиятларда «Бухоро», «Шарқ Юлдузи» «Дўстлик» жамоа хўжалиги боғбонларининг муносиб ҳиссалари бор.

Туман боғбонлари мева етиштиришга ҳам алоҳида эътибор билан қарадилар. Режадаги 3262 тонна ўрнига 3329 тонна мева териб топширдилар, унинг сифати ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ бўлди. Шунинг учун ҳам туман хўжаликларининг барчаси мўл-кўл даромад олишди.

Олинган даромаднинг салмоқли қисми аҳоли турмуш даражасини яхшилашга сарфланмоқда. Қишлоқлар кун сайин ободонлашиб, меҳнаткашлар турли қулайликлардан кўпроқ баҳраманд бўлишяпти.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ.
Наманган вилояти.

Булунғур туманидаги Абдусамат Маҳсумов номли жамоа хўжалигига қарашли «Каптархона» деҳқон хўжалигининг 2-бригадаси етакчиси Мусулмон Ҳақбердиев мана 30 йилдан бери деҳқончилик қилади. У бошлиқ бригада бу йил айниқса катта ютуққа эришди. 16 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ғалла етиштирилди. Беда етиштириш режаси эса 150 фоизга уддаланди. Режадаги 165 тонна ўрнига 170 тонна сабзавот етиштирилди.

СУРАТДА: илғор бригада бошлиғи Мусулмон Ҳақбердиев.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

• *МУСТАҚИЛЛИК УФҚЛАРИ*

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК







Анжуманни Узбекистон озиқ-овқат саноати давлат акционерлик концерни симпозиум ташкилотчиси бўлди. Анжуманда Германиянинг «Крупп машинентехник» ва «Вестфалия сепаратор АГ» фирмаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Симпозиумда шунингдек, Марказий Осиё республикаларидан малакали мутахассислар таклиф қилинди. Республикадаги қарийб 18 та ёғ-мой корхоналаридан мутахассислар иштирок этди.

Анжуманни Узбекистон озиқ-овқат саноати давлат акционерлик концерни раиси Н. И. Ҳамидов очди. Нотиқ ўз сўзида республика аҳолисини ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш, уни ишлаб-чиқаришни жадаллаштириш, сифатини яхшилаш масалаларини ҳозирги кундаги асосий режамизга киритишимиз лозимлигини таъкидлади. Бундан мақсад хорижий мамлакатлардаги фирмаларнинг юқори унумли замонавий асбоб-ускуналари ва технологиясидан янада кенгроқ фойдаланишдан иборат. Улар билан ўзаро шартномалар тузмоғимиз даркор. Корхоналарни эса қайтадан таъмирлаш керак. Бу ишларни амалга ошириш учун корхоналардан катта маблағ талаб этилади. Шу масала юзасидан «Крупп машинентехник» фирмасининг президенти жаноб Вебер Клаус сўзга чиқиб, ёғ-мой комбинатларида илғор немис технологиясини ишлатишда кўмак бериши мумкинлигини таъкидлади. Шундан сўнг хорижий шерикларимиз янги нусҳадаги асбоб-ускуналарнинг кўргазмасини видео-плёнкалар орқали намойиш қилдилар.

Симпозиум ишида республикамиздаги илмий-текшириш институтларининг малакали илмий ходимлари, ёғ-мой комбинатларининг раҳбарлари ўзларининг таклиф ва истаклари билан ўртоқлашдилар.

Ҳақиқатан ҳам, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари эски технология асосида иш юритмоқдалар. Зеро, шундай экан, ишимизни қайтадан кўриб чиқишимиз зарур.

Симпозиум қатнашчилари ўзаро ҳамкорлик келажакда ўз самарасини беришига ишонч билдирдилар.

Мирбахтиёр МИРФАИЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: халқаро симпозиумдан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

• *Истиқлол нишоналари*

ҚИЗИЛТЕПАНИНГ БУГУНИ

Республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш босқичма-босқич давом этяпти. Бозорларимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш шу кунниинг муҳим долзарб вазифасидир.

Яқинда Тошкент ёғ-мой комбинатида халқаро илмий амалий симпозиум бўлиб ўтди. «Замонавий асбоб-ускуналар ва зиғир ёғини олишдаги технологик жараён» симпозиумнинг энг муҳим мавзуи бўлди. Анжуманни ўтказишдан мақсад ривожланган хорижий мамлакатлардаги технологик асбоб-ускуналарни республикамиз корхоналарида ишга тушириш, иқтисодиётни ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон озиқ-овқат саноати давлат акционерлик концерни симпозиум ташкилотчиси бўлди. Анжуманда Германиянинг «Крупп машинентехник» ва «Вестфалия сепаратор АГ» фирмаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Симпозиумда шунингдек, Марказий Осиё республикаларидан малакали мутахассислар таклиф қилинди. Республикадаги қарийб 18 та ёғ-мой корхоналаридан мутахассислар иштирок этди.

Анжуманни Узбекистон озиқ-овқат саноати давлат акционерлик концерни раиси Н. И. Ҳамидов очди. Нотиқ ўз сўзида республика аҳолисини ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш, уни ишлаб-чиқаришни жадаллаштириш, сифатини яхшилаш масалаларини ҳозирги кундаги асосий режамизга киритишимиз лозимлигини таъкидлади. Бундан мақсад хорижий мамлакатлардаги фирмаларнинг юқори унумли замонавий асбоб-ускуналари ва технологиясидан янада кенгроқ фойдаланишдан иборат. Улар билан ўзаро шартномалар тузмоғимиз даркор. Корхоналарни эса қайтадан таъмирлаш керак. Бу ишларни амалга ошириш учун корхоналардан катта маблағ талаб этилади. Шу масала юзасидан «Крупп машинентехник» фирмасининг президенти жаноб Вебер Клаус сўзга чиқиб, ёғ-мой комбинатларида илғор немис технологиясини ишлатишда кўмак бериши мумкинлигини таъкидлади. Шундан сўнг хорижий шерикларимиз янги нусҳадаги асбоб-ускуналарнинг кўргазмасини видео-плёнкалар орқали намойиш қилдилар.

Симпозиум ишида республикамиздаги илмий-текшириш институтларининг малакали илмий ходимлари, ёғ-мой комбинатларининг раҳбарлари ўзларининг таклиф ва истаклари билан ўртоқлашдилар.

Ҳақиқатан ҳам, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари эски технология асосида иш юритмоқдалар. Зеро, шундай экан, ишимизни қайтадан кўриб чиқишимиз зарур.

Симпозиум қатнашчилари ўзаро ҳамкорлик келажакда ўз самарасини беришига ишонч билдирдилар.

Мирбахтиёр МИРФАИЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: халқаро симпозиумдан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

Бир томони Маликчўл, Тўдакўл, иккинчи томони Қизилқум сарҳадларига туташ Қизилтепа тумани Навоий вилоятидаги кенжа туманлардан саналади.

Агар унинг туман тарзида шаклланган даврида бармоқ билан санарлигина маданий-маърифий бинолари, кўримсизгина кўчалари бўлса, бугунги кунда уни танимайсиз. Қизилтепа эндиликда нафақат ишлаб чиқариши, саноати, қурилиши жиҳатидан, балки пахтачиликка, чорвачиликка ихтисослашгани билан ҳам республикада ўз ўрни бор. Айниқса, кейинги уч-тўрт йил ичида рўёбга берган туб иқтисодий ислоҳотлар мазкур туманда ободончилик, бунёдкорлик ишлари авж олиб кетишига имкон яратди.

Республикамиз мустақиллиги, истиқлолидан сўнг ўзгаришлар, яратувчилик ишлари кўлами яққол намоён бўла бошлади. Натижада ушбу туман ўз чиройи нақшинкор ва шарқона услубда қурилган ҳашаматли бинолари, истироҳат боғлари ва маданият саройлари, бир-биридан кўркам савдо расталари билан донғи кетган Ургутдек, Ғиждувондек, Каттақўрғону Қўқондек туман ва шаҳарлар даражасига етиб олди.

Бу шубҳасиз, истиқлол очиб берган истиқбол нишоналаридир. Кечагина қум кўчиб, қум барҳанлари эгаллаб ётган қип-қизил тепаликлардан иборат Қизилтепа бугун водий мисол кўркам. Энг қувончлиси, бу — туман марказий қўрғонининг янада кўркамлашиб, кун сайин обод бўлиб бораётганидир.

Кейинги икки йилнинг ўзида туманда ўнлаб чойхона ва ошхоналар, деҳқон бозорлари, замонавий савдо расталари, маданият саройлари қурилдики, бу мустақиллик даврига хос иморатлардир. Тошработдаги деҳқон бозори, универмаг ва чойхона, Бўстондаги «Хумо» чойхонаси, Гардиёндаги «Субҳидам», «Наврўз» дам олиш мажмуалари, Зармитандаги шарқона услубда қурилган ҳаммом, туман марказидаги «Шодлик» маданият саройи, туман ўтмишини ўзида акс эттирувчи тарихий музей ва бошқа кўпдан-кўп бинолар қад ростлади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур қурилишларнинг деярли ҳаммасида Қизилтепанинг ўзида тайёрлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари ишлатилган. Чунки туманда ғишт заводи, бетон-блоклар корхонаси, ёғоч-тахта сотиш базалари ишлаб турибди. Яна бир муҳим жиҳати, қизилтепалик ҳунарманд-усталар ёғоч ўймакорлиги, ғиштларга шакл бериш, шарқона услубда деворларга сурат солишни пухта билишади. Бу эса қадимги услубда, дид билан ишланган биноларнинг кўплаб қурилишига хизмат қилмоқда.

Хуллас, Зармитан қатиғи, Азизобод анори, Ғардиён қовун-тарвузи билан республикамизга кенг танилган Қизилтепа эндиликда замонавий услубда, шарқона безакда қурилган масжиду мадрасалари, маданият саройлари, кексалар масканига айланган дил очар чойхона-ю ошхоналари билан довруқ тараттяпти. Буни шубҳасиз, истиқлол одимлари, дейиш мумкин.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

янгиликлар Воқеалар хабарлар

„БИЗ КИМ МУЛКИ ТУРОН...“

ЮРТБОШИ ҲАҚИДА КИТОБ

● **АШГАБАТ. «Магариф» нашриёти «Сапармурод Ниёзовнинг болалик ва ўқувчилик йиллари» китобини 20 минг нусхада босиб чиқарди.**

Бу китобнинг муаллифи тарих фанлари номзоди С. Жумаев Ашгабатдаги мактаблардан бирининг ўқитувчиси бўлиб, Туркманистон президентининг ўқувчилик йиллари ана шу даргоҳда ўтган ва ҳозирда унинг номи билан аталмоқда. Муаллиф Ниёзовнинг таржимаи ҳолидаги ўша давр ҳақида бой маълумотлар йиғишга эришган. Китоб чиройли безатилган ва «Машаққатли болалик», «Ўқувчилик йиллари», «Завқли хотиралар» бобларига бўлинган.

Айтгандай, туркман халқининг биринчи президенти таржимаи ҳолига унинг замондошлари ғоят қизиқмоқдалар. Яқиндагина Қипчоқ қишлоғидан мамлакат Архив бош бошқармасининг махсус экспедицияси қайтиб келди. Бу қишлоқ Ашгабат атрофидадир.

ТУРКМАНБОШИ УЧРАШДИ

● **АШГАБАТ. Туркман Пресс агентлигининг хабар беришига кўра, Туркманистонда нефть конларини ишлаб чиқиш ҳуқуқини олиш мақсадида ўтказилган танловда қатнашиб ғолибликни қўлга киритган фирмаларнинг раҳбарлари билан учрашди.**

СУДЬЯ ҚАНЧА ТУРАДИ?

● **АЛМАТИ. Яқинда Қозоғистон Республикаси президенти аппаратида бўлиб ўтган матбуот мажлисида давлат маслаҳатчиси К. Сулаймонов Қозоғистон судьяларининг порахўрлиги ва уларнинг иштаҳаси катта эканлиги тўғрисида кўплаб аризаларни хижолатга қолдирди.**

«Учинчи ҳокимият» сафларида тартибга солишни улгурмасданоқ навбатдаги муносиб жавоб пайдо бўлиб қолди. Бу сафар Шимолий Қозоғистондан вилоят судининг раиси Ж. Мендибаевга нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги ҳақида хабар келди. Унга мансаб вазифасини суиистеъмол қилганлиги ҳақида айб қўйилмоқда. Тергов давом этмоқда.

ЗАСТАВАНИ ЯНА ЎҚҚА ТУТИШДИ

● **ДУШАНБЕ. Москва чегара отрядининг 12-заставасидаги участкалардан бири Афғонистон ҳудудидан икки реактив снаряд билан ўққа тутилди.**

Ана шундан кейин чегара бузувчилар гуруҳи ҳамла қилишга уриндилар. Чегарачилар уларнинг зарбасини улоқтириб ташлади. Ҳужум қилганлар сафида бўлган йўқотишларнинг сони ҳали номаълум. Россия чегарачилари орасида йўқотиш бўлмади.

ҚОЗОҒИСТОНДА БАЖОНИДИЛ ХИЗМАТ ҚИЛИНАДИ

● **АЛМАТИ. Президент Нурсултон Назарбоев имзолаган қарор билан Қозоғистон Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари оклад маошлари бу йил учинчи марта оширилди.**

Бу сафар ҳарбий хизматчиларнинг мансаб маошлари бир ярим марта ошди, ҳарбий унвонлар бўйича эса маошлар қарийб олти марта кўпайди. Октябрь ойи учун қайта ҳисоб-китоблар ўтказилди.

УЧРАШУВ ЖОЙИ УЗГАРМАЙДИ

● **АШГАБАТ. Мамлакат пойтахти Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашувига ҳозирлик кўрмоқда.**

Ашгабат шаҳри атрофида 11 гўзал меҳмонхона комплекси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

ЎН ТАНГА БИР ДОЛЛАР

● **АЛМАТИ. Қозоғистонда мана бир ҳафтадан буён миллий валюта муомалага қизғин кириб бораётган бўлса-да, халқ орасида тангани ҳамон рубл деб, тийинни эса копейка деб аташмоқда.**

Янги пулга савдо қилинаётган дастлабки кунларда аҳоли тангани рублга кўпайтириб, унинг қиммати нимада эканлигини яхши англаб олмоқда. Ана шу пайтда ҳукумат нон ва бошқа маҳсулотларнинг нархини оширди. Пул алмашгунга қадар оқ бўлка нон 40—50 рубл турган бўлса, ҳозир 50 тийинга сотилмоқда. Қайта ҳисоблаб кўрилганда, бу баҳо аввалги рублдан тўрт марта қиммат эканлиги яққол аён. Гўшт ва сариқмой ҳақида ҳам ана шунақа баҳо кўринмоқда. Қозоғистонда энг кам иш ҳақи эски рублда 15 минг бўлса, янгисида 30 тангадан озроқдир.

Қозоғистонда на рубл, на доллар тўлов воситаси сифатида расмий қабул қилинмаётир. Бош вазир бундай деди: «Иқтисодиётни на рубллаштириш, на долларлаштиришга йўл қўймаймиз». Доллар ва рубларнинг тангага нисбатан бозор қиймати ҳам белгиланди. Доллар 4,7 танга, Россиянинг 250 рубли 1 танга ҳисобланмоқда. Валюта дўконларида танга доллар билан ёнма-ён (5 танга 1 доллар) ишламоқда. Чайқов бозорида эса 1 доллар 10 тангага сотилмоқда.

ВАТАНГА ҚАЙТДИЛАР

● **ДУШАНБЕ. Яқинда Афғонистон ҳудудига ўтиб кетган тожик қочоқларидан 522 киши Шерхон—Бардон афғон портидан Панж дарёсини кечиб ўтиб, она-Ватанларига қайтиб келдилар.**

ЖАҲОН БЕЛЛАШУВИ ОЛТИН МЕДАЛИ

● **АШГАБАТ. Туркманистоннинг оғир атлетика бўйича умидли паҳлавони Алтимурод Роздурдиев Австралияда ўтказилган жаҳон штангачилари мусобақасида катта маҳорат кўрсатиб ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.**

Шундай қилиб Австралия кўриги Туркманистон штангачисини олтин медаль билан тақдирлади.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).



Гулсара Нурматова аслида хивалик. Тақдир тақозоси билан Самарқандда яшаб қолди. Қизиғи шундаки, у ўттиз йилдан бери матбаачи. Маошига, шароитига, лавозимига қарамай ишлайди. Бугун эса вилоятдаги энг йирик босмахонага директор.

Ҳозир босмахонада ишлаётганларнинг аксарияти Гулсара опанинг шогирдлари. Ўзи каби тинмай-тинчимас, ёниб, жўшиб ишлайдилар. Дарвоқе, умрнинг ярим асрида садоқатли шогирдлар қуршовида меҳнат қилишнинг гашти ўзгача!

Бугунги кунда босмахона тўртта йирик газетага хизмат қилади. Бу ердан учта вилоят, бешта туман ва ўнга яқин кўптиражли рўзномалар чиқади. Хуллас, Гулсара опа ва у кишининг жамоаси доимо жўшқин меҳнат қўйнида.

СУРАТДА: моҳир матбаачи Гулсара Нурматова.

Ғулом АЛИ суратга олган.

• «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига

МЕН УЧУН БАЙРАМ БЎЛГАН КУН

САГУ (ТошДУ)нинг филология факультети охирги курсида ўқирдим. Ўшанда «Қизил Ўзбекистон»да шеър, ҳикоя, очеркларим билан қатнашиб турардим. Ҳамид Ғулом, Наби Юсуфий устозлик қилишарди. Раҳмат Файзий совет қурилиши, Саид Аҳмад ахборот бўлимида ишлашарди. Редакцияга борганимда албатта, улар билан учрашардим. Баъзан Саид Аҳмад, баъзан Раҳмат ака хатларни ишлашга беришарди.

Йўқ демасдим.

Кунларнинг бирида муҳаррир ўринбосари раҳматли Рихси ака Соҳибоев билан танишиб қолдим. Ўқишимни сўрадилар. Ўзбек бўлимига ёзишга қўлим келиб қолганини айтдилар. Шунда менга устозлик қилган Рафаэл Мясков. Тўлқин ака Рустамовлар ҳақида сўзлаб бердим.

— Эртага вақтлироқ келинг, ука, — дедилар. Келдим. Мени муҳаррир хонасига олиб кирдилар. Муҳаррир Сиддиқ Ражабов педагогика бўйича номи чиққан олим, мутахассис эди. Рихси ака у кишига таништирдилар.

— Наманганда, вилоят газетаси саноат бўлимида ишлаган, тажрибаси бор, — дедилар.

Шундан кейин мен «Қизил Ўзбекистон»нинг саноат бўлимида адабий ходим бўлиб ишлай бошладим. Бўлим мудири ўринбосари Абдулҳай Раҳмонқулов, Раҳмат Файзий ва Саид Аҳмад билан бир хонада ўтирардик.

Сиддиқ Ражабов педагогика фанлари академиясига ишга ўтказилиб, ўрнига ёшгина, қадди-қомати келишган Шароф Рашидов муҳаррир бўлди.

Орадан озгина вақт ўтгач, Акмал Пўлат Олий партия мактабини тамомлаб, ҳам муҳаррир ўринбосари ҳам саноат бўлимига мудир бўлиб келди. Акмал ака билан ҳар куни мулоқотда бўламан. Доим топшириқ беради. Шу киши туфайли Тошкентдаги саноат корхоналаридан материаллар ёзадиган бўлдим. Аммо Шароф акани фақат ҳафтада чоршанба куни бўладиган йиғилиш (летучка)да кўраман. Камгап муҳаррир ким танқидий фикр айтса, асослаб беришини, камчиликни қандай тугатиш лозимлигини сўрарди. У киши рўзномага тайёрланадиган ҳар қандай мақола пухта бўлиши учун қайта-қайта ёзишдан эринмаслик кераклигини уқтирарди.

Кунларнинг бирида Акмал ака чақириб қолди. Хонасига кирсам, юзимга, кийимларимга разм солди. Сўнг:

— Юр, муҳаррир сўраяпти, — деди. Ғалати бўлиб кетдим. Негаки, ҳеч қачон муҳаррир мени чақириб, топшириқ бермаган.

Хонада Рихси ака Соҳибоев бор экан. Оёқларим чалишиб, аранг кириб бордим. Шароф ака ҳол-аҳвол сўради.

— Чекасизми? — деди.

— Йўқ, чекмайди, бу йигит, — жавоб берди Акмал ака.

— Унда яхши. Ҳозир машина сизни тамаки фабрикасига олиб боради. Директор опа кутиб турибди. Справка ёзиб қўйишган. Қолган гапни опанинг ўзи айтиб беради.

Бу топшириқ мени ниҳоятда ҳаяжонга солди. Негаки, фабрика директори Жаҳон Обидова ҳақида Раҳмат Файзий каттагина мақола ёзганди. Опа Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, ниҳоятда жанговар аёл бўлган. У билан муомала қилиш ҳақида Раҳмат Файзий маслаҳат берди.

Тамаки фабрикаси Тошкентдан Чирчиққа олиб борадиган катта йўлнинг бир четида экан. У ҳол-аҳвол сўраган бўлди-ю, столдаги папкадан машинкада хат ёзилган қоғозини узатди. Рўпарамга ўтириб шундай ҳикоя қилди.

— Яқинда, 1946 йил октябрида Москвада Министрлар Советининг мажлислар залида мамлакатдаги барча тамаки корхоналари раҳбарларининг анжумани бўлди. Масала битта: мамлакат тамаки маҳсулотларини яхшилаш! Минбарга бирин-кетин чиққан нотиқлар ўзлари раҳбар бўлган фабрикада тайёрланган тамаки маҳсулотларини кўкларга кўтариб мақтаверди. Ниҳоят, мени чақиришди. Қўлимда қоғоз йўқ, шошилмай минбарга чиқдим. Залга ва саҳнада ўтирган раҳбарларга қараб:

— Ҳурматли ўртоқлар! Сизлардан илтимос: папирос ва сигарета чекадиганлар чўнтакларингдаги чекадиган нарсаларингни олинглар. — Энди қутисининг орқасидаги ёзувга назар ташланглар, — зал жим бўлиб қолди. — Ўқидингларми? Баллы! Ҳамманикида «Тошкент тамаки фабрикаси» дедим. Бизнинг маҳсулотимиз қандай эканлигини ўзинглар баҳолайсизлар. Раҳмат, — деб қўшиб қўйдим...

Шундан кейин залда гулдурос қарсаклар янгради. Опа ўрнига бориб ўтиради. Мажлисдан сўнг опани ҳамма табриклайди. Ўзбекларнинг пахтаси каби «Казбек» ва «Беломор канал» папироси, сигаретаси ҳам бутун мамлакатга машҳур бўлади.

Опа менга берган қоғозда корхонадаги иш шароити, Андижон ва Наманган вилоятидан, қўшни Қирғизистондан олинаётган тамаки баргларининг юқори сифатлилиги баён этилган эди.

Ўша заҳоти редакцияга қайтиб, бор гапни Акмал Пўлатга айтиб, қоғозларни бердим. У телефонда Рихси ака билан гаплашди.

— Сенга жавоб. Уйда яхшилаб ёзиб кел. Кечга тайёр бўлсин.

Қабулхонада котибага айтиб турдим, у ёза бошлади. Тугай деганда, Шароф ака Рихси ака билан кириб келишди. Тик туриб кутиб олдик.

— Бўлдими? — деди кулимсираб Шароф ака ва Рихси акадан сўради: — Кўриб берасизми?

Машинкадан чиққан материални хонамда обдон ўқиб, Рихси акага олиб кирдим. У ёзувга кўз югуртирган бўлиб: — Бориб дамингни ол, — деди.

Ётоқхонага келдим. Аммо ҳаёлим ёзган материалимда эди. Нима бўлдийкин, деб оромимни йўқотгандим. Эрталаб хонамга келсам Абдулҳай Раҳмонқулов: «Бош мақола билан табриклайман».— деб қолди. Кеча ёзган материалим биринчи бетда чоп этилганди. Раҳмат Файзий ҳам, Саид Аҳмад ҳам табриклашди. Хуллас, ўша куни мен учун катта байрам бўлди. Ҳаммадан зўри муҳаррирнинг йўлакда мени кўриб, «раҳмат» айтиб ,мақтагани бўлди.

Шундан кейин Тошкент гўқимачилик комбинати, Чирчиқда янги қурилган экскаватор заводи каби йирик-йирик корхоналарга юборишадиган бўлишди. Менга эса Акмал ака, айниқса, Рихси Соҳибоев меҳрибонлик қилишар, мақолаларимни кўриб, маслаҳатлар беришарди.

Шунинг учун бўлса керак, ҳафталик йиғилиш (летучка)да яхши ишлаганлар қаторида менга ҳам раҳмат айтишарди.

1947 йилда матбуот куни тантанали нишонланадиган бўлди. Мен жумҳурият кутубхонасида бўлиб, «Наманган ҳақиқати»нинг тарихига оид, унинг ташкилотчилари ҳақида каттагина материал ёздим. У эълон қилингач, муҳаррир мени чақириб «раҳмат» деди.

Ўша кунларда давлат имтиҳонлари бошланди-ю, таътил олишга тўғри келди.

Ариза ёзиб муҳаррир хонасига кирдим. У киши менга кулиб боққанларича «мактабдош эканмиз-да» — дедилар.

Қуюқ хайрлашдик.

Дорилфунунни тамомлагач, мени Наманганга, ўзим ўқиган ўқитувчилар институтига тилшунослик бўйича муаллим қилиб юборишди.

Ўшанда Раҳмат ака дегандилар: «Барибир, журналистикага фидойи бўлиб қоламиз. Негаки, «Қизил Ўзбекистон» тузини ялаган унга бир умр садоқатли бўлиб қолади». Буни ҳазилга олиб, роса кулгандик. Лекин ҳеч қанча вақт ўтмай. Раҳмат Файзий айтгандай бутун фаолиятимни журналистикага бағишладим. Қўшиқлар, ғазаллар битдим. Учта драма ёздим. Улар саҳнага чиққач, «драматург» деган ном олдим. Ҳажвиялар, фельетонлар яратдим. Ҳар ҳолда бугун кекса журналист, ёзувчиман.

Бунинг учун «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси, ўша йиллар менга устозлик қилган Рихси Соҳибоев, Акмал Пўлат, Ҳабиб Нўъмон, Холбек Ёдгоров, Аҳмад Исмоилов, Ҳамид Ғулом, Наби Юсуфий, Раҳмат Файзий, Яҳё Йўлдошевларни муаллим, деб биламан. Улардан бир умр миннатдорман.

«Ўзбекистон овози» менинг иккинчи дорилфунуним.

Ҳамиша таъзимдаман, муҳтарам устозим!

Салоҳ ҚОРИЕВ,
«Наманган ҳақиқати»нинг кекса ходими.

• *Ножўя ўйин—синдирар бўйиқ*

1993 йилни—таъбир жоиз бўлса, бозор иқтисодиётига ўтиш йили, деб атаган бўлардик. Халқимиз учун бу йил унутилмас бўлиб қолажак. Ҳозир айрим республикаларда қирғинбарот жанглар давом этаётгани, боғ-роғлар, уйлар вайронага айланиб, энг ачинарлиси инсонлар қурбон бўлаётгани, бутун эл азият чекаётганлиги қалбларимизни зирқиратади.

Ана шу салбий ҳолат қатор собиқ Иттифоқдош республикаларда ишлаб чиқариш соҳаларига кескин зарба бераётир. Халқ истеъмоли молларн ишлаб чиқариш, импорт-экспорт маҳсулотлари олдинги йилларга қараганда анча камайиб кетди. Мисол учун бу — Россияда 22, Қозоғистонда 16, Туркманистонда 24 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда эса шу йилнинг июнь ойидан бошлаб ўсиш бошланди.

22 миллионли аҳолимиз унинг тенг ярми 16 ёшгача бўлган болалар бўлиб, ёш жиҳатдан энг етакчи ўринлардан бирини эгаллаймиз. Бизда қарилар, ногиронлар, болалар алоҳида ва барча аҳоли кучли ижтимоий муҳофазага олинган.

Президентимиз ва ҳукуматимиз аҳолининг эҳтиёжини қондириш мақсадида энг зарур молларни валюта ҳамда пахта толаси эвазига хориждан олиб келаётган бир пайтда эл-юрт ва Ватан туйғусидан бебаҳра кишилар товар-моддий бойликларни турли йўллар билан бошқа республикаларга ташиб кетишмоқда. Хўш бундай кимсаларни ким, деб атамоқ керак. Ўз халқи, бола-чақаси ризқини қийган кишини «халқ душмани» деб атамоқдан бошқа илож қолмаяпти.

ДУНЁ МОЛИ ДУНЁДА ҚОЛАР

«ЎҒРИ БОЙ БЎЛМАС, ҚАРОҚЧИ ЭЛ...»

Яқинда Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари «Бухоро» темир йўл станциясида Туркманистон Республикасига йўл олган вагонни кўздан кечиришган. 70 тонна унинг ҳеч қандай рухсатномасиз олиб чиқиб кетилаётганини аниқлашди. Текширишлар бу ғалий навли унни Дўстлик шаҳридаги нон ва нон маҳсулотлари комбинатидаги моқибеғам кимсалар томонидан ортилганлигини кўрсатди.

Қишлоқ аҳолиси учун ҳукумат қарорига асосан нон бошига ойига етти килограммдан ун берилишини ҳисобга олганда бу унинг кишининг ризқи-насибаси-ку! Албатта, умумнинг бўлкига хиёнат қилганларни дил суд жазосиз қўймайди. Бундай манқуртларни қандаси, ва на яратган кининг ўзи кечирмайди.

Баъзан йўлларидан кетаётган давлат белгиси к 56—38 ЧМ рақамли «ЕрАЗ» ва 56—79 ЧМ рақамли ВАЗ»—2106» машиналарининг соҳиблари Р. Аширов ва Ш. Мусаевлар божхона ходимларига дуч келамиз, деб хаёлларига ҳам келтиришмагандир. Тоғни эса талқон қиладиган иккі оғайни Ўзбекистон аҳолисига меъёрида берилаётган 1 тоннага яқин Индонезия қора чойини ноқонуний равишда Қозоғистонга олиб кетаётганида қўлга тушишди.

«Ўзбектрансқурилиш» ҳисдорлик жамиятининг Олмиқдаги 3-автокорхонасига қарашли давлат белгиси 5—77 ТШР рақамли «КамАЗ—5410» машина айдовчиси А. Швайцер ва «Нур» тижорат фирмаси директори ўринбосари Ф. Норматовлар ҳам аҳолига ўлчаб берилаётган 5 ярим тонна гуручни Тожикистонга «туя» қилишаётганида тўрга илинишди. Эҳтимол халқимиз «ўғри бой бўлмас, қароқчи эл...» деганда айнан шунақаларни назарда тутган бўлса ажабмас...

«ПИЁЗ МАВСУМИ»

Ажабланманг, божхоначилар топган сўзмас бу. Ўзбекистон заминида қуёшга тўйинган тилларанг, марварид ранг пиёзларни ноқонуний равишда гумдон қилишга ўрганган «мутахассислар»нинг кашфиёти бу. Улар олтин кузни айнан «пиёз мавсуми» ҳам дейишар экан.

Навоий вилоятининг чўл йўлларидан ўтиб кетаётган иккита «КамАЗ» 5320» давлат белгилари 14—77 КФМ рақамли Сув хўжалиги ва мелиорация вазирлигининг Қаршидаги 3-автокорхонасига қарашли машина ҳайдовчиси М. Жумаев, з 33—20 КФ машина ҳайдовчиси С. Эшимовлар Братск шаҳрига салкам 25 тонна пиёзни қия қилишаётганида ов бароридан келмади. 6 миллион сўмга баҳоланган маҳсулотлар давлат фойдасига мусодара этилиб, кенжа вилоят касалхоналарига топширилди.

Пиёз сотиб бола-чақа «боқишни» мақсад қилиб юрганлар нафақат Навоий, Тошкент вилоятларида балки бошқа вилоят божхона бошқармаларидаги ходимлар томонидан ҳам ушлаб қолинмоқда. Жиззах вилоятидаги «Зарбдор» станциясидаги 87823795, 87823803 рақамли вагонларга ортилган 36 тонна пиёз ҳамда 2,5 тонна ерёнғоқнинг қонунга ҳилоф равишда чиқиб кетишига йўл қўйишмади. 31 миллион сўмлик бу молларнинг «эгаси» «Ровот» тайёрлов ширкатининг ходими У. Матиев бўлиб чиқди. Пиёз эса Иркутскка жўнатилиши режалаштирилган эди.

Ўзбекистон заминида қуёшли кунларнинг кўпроқ бўлиши, халқимизнинг меҳнаткашлиги, ерни севиши оғир кунларда мадад бераяпти. Албатта, деҳқон пешона тери эвазига, минг машаққатлар билан етиштирган маҳсулотини сотиб бола-чақамга яратсам, дейди. Лекин юқоридаги каби «тўсиқ»лар атрофида ваҳимали миш-мишлар тарқатаётган кимсаларга ишониб, қўл силташга ҳожат йўқ. Ўзбек деҳқони ўз томорқасида етиштирган маҳсулотларини дунёнинг истаган нуқтасига олиб бориб сотиши мумкин. Бунинг учун ундан фақат вилоят ҳокимиятидан рухсатнома (лицензия) олиши ва керакли божни тўлаши талаб этилади, холос. Ҳужжатларни тўғри, қонуний равишда олиб чиқиб кетилаётган маҳсулотни ушлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

ДОРИФУРУШЛАР КИМНИНГ ЭРКАСИ?

СССР тарқалиб кетганидан кейин иттифоқдош республикалар орасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар ҳам бузилди. Дам у, дам бу заводнинг, дам унисига, дам бунисига хом ашё ва жиҳозлар етишмаслигидан тўхтаб қолаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Хуллас-калом, бундан бу ёғи ўз аравангни ўзинг торт. Мамлакатимиз корхоналарининг аксарияти шу даражада бир бири билан боғланиб, чирмашиб кетганки, асти қўяверасиз. Гоҳида шартлашиб қўйилган маҳсулотни ҳам ўз вақтида ололмасдан овораю-сарсонсиз. Унисига ҳам, бунисига ҳам чидаш мумкин. Лекин дори-дармон бўлмаса беморни қандай даволайсиз?! Бугун оддий анальгинни топиш ҳам мушкул. Дорихона-дорихона чопиб, оёғингдан айриласан. Буни фақат бошига тушганларгина билишади.

Шундай бир пайтда Фарғона шаҳрида яшовчи Т. Фоменко деган аёлнинг 9300 қути «Фестал», 380 қути «Ситин» (ярим миллион сўмлик) дориларни топганига «балли» демасдан иложимиз йўқ. Бухоролик А. Кодель 300 минг сўмлик, берунийлик «Буратино» қаҳвахонасининг сотувчиси А. Айсаков 187 минг сўмлик дори-дармонларни олиб кетаётган бўлса, Тошкентдаги «Ёшлар кичик корхонаси»нинг бош директори Феликс Кисельман қиймати 1680 доллар турадиган камёб дорини ўз юрти — Ўзбекистондан бегона қилаётганда ушлаб қолинди.

Алмати шаҳридан келган Наврўзбой Итеков ҳам Қорақалпоғистондан қуруқ қўл билан кетишни ўзига эп билмасдан 10 қути «Ношпа», 50 ампула «Реланиум», 180 ампула «Гентамициин», 100 дона «Аллапурин» дориларини олиб кетиб бойимоқчи эди, бўлмай қолди. Қизиқ, шундоқ ҳам Орол дардидан жафо чекаётган бир юртнинг дори-дармонига кўз олайтириш инсофданми?

«Қарши» станциясида Тожикистон фуқароси Ж. Сафаровнинг юклари кўздан кечирилганида йўловчи «атиги» 1,5 миллион сўм турувчи «Глюкоза», «Кальций хлор» «Новакаин», «Витамин—6», «Феррумлек» дориларини олиб кетаётган экан! Ҳуқуқбузардан давлат фойдасига мусодара қилинган дорилар Қарши шаҳридаги касалхоналардан бирига топширилди.

Эътибор беринг! Улар албатта бу дориларни қайси дорихонадан сотиб олишганини у дунёю бу дунё айтишмайди. Ота-онасию, бола-чақасини қўйиб қасам ичишдан қайтишмайди. Лўнда қилиб, бозордан бир нотанишдан олдим, деб безрайиб тураверади. Аммо уларга шу дориларни сотган дорихоналар ходимларида виждон бормикан? Ёки Соғлиқни сақлаш вазирлиги уларни билганингни қилавер, деб ташлаб қўйибдимикан. Дорифурушларга шафқат бўлмаслиги керак.

«ЧЕКИШДАН ОЛИНГ, БИРОДАР!»

Талабалик йилларимизда бир ўртоғимиз машҳур «Аршин мололон»даги хизматкорнинг «Уч калла қанд, уч сўм пул, бир мулла бўлса бас» гапини ўзича «бир сўм пул, бир талабага бир кунга етар—яъни, 70 тийин овқатга, 15 тийин «Прима»га, қолган 20 тийини йўл кирага етса бас» деб кўп такрорларди. Бунга ҳам беш-олти йил бўлиб кетди. Кечаги куннинг нархнавоси бугунга тўғри келмайдиган пайтда нима учун буларни эслаб ўтдингиз дерсиз.

Ачинарлиси шундаки, чекувчи халқи 20 тийинми, 20 сўмми, боринг 2 минг сўмми барибир олиб чекаверар экан. Ул қурмағурни дўконда сотилганини кейинги бирикки йилда кўрмадик. Ҳаммаси тижоратчиларда. Ҳали она сути оғзидан кетмаган болалар ҳам бемалол тамаки маҳсулотлари билан савдо қиляпти. Баҳосини сўрасангиз, «олмасангиз сўраб нима қиласиз» деб дўқ ҳам уриб қўяди. Энг ёмони шундаки, биз сигаретани газеталарда катта саҳифаларда реклама қиляпмиз. Телевидениега-ку гап йўқ. Мурватини бурасангиз, сигарет рекламаси...

Шунчалик ташвиқ-тарғиботни кучайтириб юбордикки республикадаги сигареталарнинг харидорлари бошқа жойлардан ҳам чиқиб қолаяпти. «Олот» станциясидан ўтиб кетаётган туркманистонлик О. Оллаёров 1 миллион сўмлик 2990 қути «Модвен» сигаретини ўз юртига олиб кетаётгани маълум бўлиб қолди.

Туркманистонлик сигаретпуруш Қирғизистон Республикаси фуқароси Қорасув туманидаги «Фарҳод» кичик корхонасининг ходими Ж. Ҳусановнинг олдида ип ҳам эшолмас эди. Жаноб Ҳусанов 14 миллион сўм турувчи «Метрополь»ни Қирғизистонга қия қилишига сал қолди. Афсус...

Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Пул алмашиши муносабати билан юртимизга кириб келаётган бундай сохта сайёҳ, тижоратчилар жуда кўпайиб кетди. Балки улар «Бозор иқтисодиёти»ни олиб-сотиш, чайқовчилик, деб тушунсалар керак. Бозорнинг эшиклари чайқовчиларга эмас, балки ўзи етиштирган ёки ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотувчи мардларга очиқ. Юртимиз фаровонлигини ошириб, бойликларимизнинг четга чиқиб кетмаслиги учун ўзини ўзбекистонликман деган ҳар бир киши кечаю-кундуз ишламоғи керак.

Давлатимиз истиқболи учун жон куйдираётган юртбошимиз Ислом Каримов куни кеча Буюк Британия ва Шимолий Ирландия сафаридан қайтди. Президентимиз қайси давлатга бормасин, юртимиз равнақи, дастурхонимиз тўкинлиги, бозору-дўконларимиз маҳсулот билан тўлиб туриши, одамларимиз азият чекмаслиги учун нимаики зарур бўлса, муҳайё қилишга интилмоқда.

Минг афсуски, не-не машаққатлар билан топиб келинган озиқ-овқат, дори-дармон, саноат ва бошқа маҳсулотларни ташқарига олиб кетишда ёки уларга имтиёзлар яратиб беришда айрим раҳбарлар, мансабдор ва ишбилармон шахслар хотамтойлик қилишмоқда. Улар билиб қўйишсинки, энди бундайларга шафқат бўлмайди. Бу озод юрт — ҳаммамизники. Бинобарин, унинг равнақи учун ҳам ҳар биримиз масъулмиз.

Мирзо АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ходими,
Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ТАШКИЛОТ

1. Ватанимизда ишлаб чиқарилган 2,2 киловаттдан 5,5 киловаттгача бўлган, минутига 1000—3000 марта айланиш қувватига эга бўлган электродвигателларини;

2. Ватанимизда ишлаб чиқарилган 0,8 киловаттдан 1,1 киловаттгача бўлган, минутига 1000 марта айланиш қувватига эга бўлган электродвигателларини;

3. Сув тортиш қурилмаси «К—6»

4. Сут ишлаб чиқаришдаги «ачитқи тайёрлаш» қурилмаси, творог, сут қадоқлаш ва спирт тайёрлаш қурилмасини

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Мурожаат учун Тошкент шаҳридаги ТЕЛЕФОНЛАР: 78-67-21, 45-75-67.

1993 йилнинг 7-11 декабрь кунлари

Ўзбекистон рассомлари Уюшмасининг Кўргазма зали

Жихозлар, қурилиш материаллари ва уларни ишлаб чиқариш технологиясининг Ҳалқаро кўргазмаси

ҚУРИЛИШ САНОАТИ-93

* Лойиҳалаш, технологиялар, системалар
* Қурилиш материаллари, шу жумладан мармар, гранит ва бошқа табиий тошларни ишлаб чиқариш учун технология ва жиҳозлар
* Ғишт ва оловбардош материалларни ишлаб чиқариш учун технология ва жиҳозлар
* Кулолчилик буюмларини ишлаб чиқариш учун технология ва жиҳозлар
* Бетон ва цементни тайёрлаш ва транспортировка учун машина ва жиҳозлар
* Ер ишлари учун машиналар
* Материалларни транспортировка, сақлаш, юклаш ва жойлаш учун машиналар
* Изоляцион материаллари, уларни ишлаб чиқариш учун жиҳозлар
* Дераза ва эшик ромлари ва анжомлари
* Электрогенератор системалари
* Компрессорлар
* Кондиционерлар
* Санитария техникаси ва уни ишлаб чиқариш учун жиҳозлар
* Кулолчилик плиткалари
* Кранлар ва коргичлар
* Мебель

Олмония, Италия, Польша, Россия, АҚШ, Ўзбекистон, Франция, Швейцарияларнинг етакчи фирмалари кўргазмада иштирок этади

Ташкилотчилар:
Ўзбекистон Давлат "Ўзқурилишматериаллари" концерни,
"Ўзбегим Интернейшнл" Қушма корхонаси,
"Негус Экспо" корхонаси

Кўргазманинг иш вақти соат 10.00дан 17.00гача

• *Қадриятларимиз*

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Яқинда республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси кенгаруининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Пленумда республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Шукур Темуров жамғарманинг йиллик фаолияти ҳақида маъруза қилди. Ўтган давр мобайнида маҳаллий ҳокимиятларнинг кўмаги билан маҳаллаларда маданий-маърифий, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Ночор оилаларга ёрдам берилди. Ҳозир республикада 12 минг икки юздан зиёд маҳалла бор. Янги маҳаллалар ташкил этиш, эскиларни ободонлаштириш давом этмоқда. Бу каби савобли ишларга 71 миллион сўм сарфланган маълум қилинди.

Йиғилишда «Маҳалла» хайрия жамғармаси тафтиш комиссияси раиси Б. Рихсиев ахборот берди. Жамғарманинг Самарқанд вилояти бўлими раиси А. Мелиев, профессор М. Муродов, «Наврўз» хайрия жамғармаси раиси Д. Ёқубов, республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар қўмитаси раисининг биринчи муовини У. Уватов ва бошқалар ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Пленумда Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков маъруза қилди. Йиғилишда республика фуқароларига мурожаатнома қабул қилинди.


«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

«Муштум» журнали таҳририяти Ўзбекистон халқ ёзувчиси, журналнинг бош муҳаррири Неъмат Аминовга падари бузруквори **УСТА АМИН НУРУЛЛАБОЙ** ўғлининг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДИҚҚАТ! «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА...



Душанба, 6. XII

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Қўнғироқча».
18.35 «Зориқиб кутилган кун». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Мен халқимнинг саодатин куйлайман». Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги олдидан. «Истиқлолимиз қомуси».
21.30 «Келинлар қўзғолони». Бадиий фильм.
22.45 «Ўзбекистон, улуғ айём муборак!» Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланган тантаналар ва сайил.
00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Билиб қўйган яхши».
19.40 «Ўз ерининг эгаси». Телефильм.
20.00 Бизнинг суҳбат.
20.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.00 «Ассалому алайкум» (такрор.).

● «ОРБИТА IV»

5.55, 9.20, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
6.45 «Тонг».
8.00 «Сайловчи соати» (такрор.).
9.00 Янгиликлар.
9.25 «Тингланг, томоша қилинг...».
9.45 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 26-серия.
10.15 «Нима! Қаерда! Қачон!».
11.20 «Мавзу».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Гол».

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 Мультфильм.
16.20 «Хитой йўлидан».
16.50 Болалар телевидениеси уюшмаси.
17.20 «Иқболи кулганда».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Сибирь—ҳаётим мазмуни». С. Залигин.
18.45 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.55 «Мулкдор алифбоси».
19.05 «Гол».
19.35 «Миниатюра».
19.45 «Сайловчи соати».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Сайловчига сўзимиз».
21.55 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 26-серия.
22.25 «Спорт уик-энди».
«Янги студия» таништиради:
22.45 «Биз». Владимир Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
23.30 «Матбуот-клуб».
01.40 «Мен».
Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Россияда бизнес».
9.30 Тонгги концерт.
9.45 «Мутлақо махфий».
10.40 «Шарман-шоу».
12.00 Хонаки экран. «Қариндош». Бадиий фильм.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 «Конституция. Россияни қандай қилиб эпақага келтириш мумкин?».
14.30 Кундузги сеанс. «Қанотлар». Бадиий фильм.
15.55 «Виндоуз — Экспо-93».
16.10 Ҳужжатли фильм.
16.35 Болалар учун янгиликлар.
16.50 Мульти-пульти.
17.00 «Қутқариш хизмати 911».
17.55 «Телегазета».
*
18.00—20.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.25 Душанба куни детектив. «Лаки страйк» таништиради «Уйга қайтиш». Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» сериалидан.
21.20 «Сариқ сувости кемаси» клуби.
21.50 Спорт кўрсатуви.
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 «Қўнғироқнинг узилган оҳанги».
23.25 «Сайловолди марафони».
24.00 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

Сешанба, 7. XII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
6.50 «Истиқлол рамзи».
7.00 «Ўзбекистон, улуғ айём муборак!» Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланган тантаналар ва сайил.
9.40 «Ўзбекистон» ахбороти.
10.10 «Ўзбекистон, ўргилай!».
10.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
10.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
11.00 «Шум бола». Бадиий фильм.
12.30 «Ижодкор ва замон». Адабий кўрсатув.
13.30 «Ёшлик» студияси. «Конституция ва биз».

* * *

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
17.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти. Халқлар Дўстлиги саройидан олиб кўрсатилади.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.55 «Оталар юрти». Видеофильм.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги олдидан. «Истиқлолимиз қомуси». Адабий кўрсатув.
21.30 «Дўстлар даврасида». Эстрада томошаси. «Алпомиш» саройидан ёзиб олинган.
22.40 «Суюнчи». Бадиий фильм.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

16.50 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
17.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти. Халқлар Дўстлиги саройидан олиб кўрсатилади.
19.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
20.20 «Ўзбекистон — ўз уйимиз».
21.10 «Эртага — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни».
«ОМАД» таништиради
21.40 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 21.20, 01.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
8.00 «Сайловчи соати» (такрор.).
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Қувноқ нотачалар».
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 Ҳужжатли фильм.
10.40 «Инсон ва қонун».
11.10 «Бизнинг мусиқий клуб».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 11-серия.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 Ишбилармонлар хабарномаси.
15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Иш».
16.25 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.50 «Миллионлаб кўзлардан сир. Ниначининг бешиги». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЦНФ»).
17.10 «Бизнинг мусиқий клуб».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Россия сайловининг акс садоси».
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Сайловчи соати».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Сайловчига сўзимиз».
21.55 «Мавзу».
22.55 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Асов қўй». Бадиий фильм премьераси (Франция).
00.45 Янгиликлар.
01.30 «MTV».
02.30 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Қўнғироқнинг узилган оҳанги».

* * *

12.05 Хонаки экран. «Мавзу». Бадиий фильм.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.05 «Эпицентр». Ҳужжатли фильм.
14.25 «Узоқ йиллар муҳаббат ила».
15.25 «Трансросэфир».
16.10 «Бола тилидан».
16.40 Болалар учун янгиликлар.
16.55 «Рост» студияси. «Куни узайтирилган гуруҳ».
17.25 «Чайковский йили». Концерт.
*
18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.00 Мульти-пульти.
20.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 252-серия.
21.00 «Асил ҳолича».
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Сайловолди марафони».
23.05 Ватаним менинг. «Никольскийдаги уй».
24.00 «Никольскийдаги уй» (давоми).

Чоршанба, 8. XII

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИ

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
6.50 «Истиқлол рамзи».
7.00 «Ўзбекистон, улуғ айём муборак!» Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланган тантаналар ва сайил.
10.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
10.30 «Саёҳат». Мультфильм.
10.40 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Телефильм.
11.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
11.25 «Соғлом бўлай десангиз...».
11.35 «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат».
12.25 Ўзбекистон санъат усталари ва ёш ижрочиларининг концерти. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
13.50 «Тўйлар муборак». Бадиий фильм.
14.55 «Бахтимизни куйлаймиз». Адабий-мусиқий композиция.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Томоша».
18.35 «Тулпорлар». Видеофильм.
18.50 «Истиқлол рамзи».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.25 «Ватан, замин узра толеинг кулсин!» Адабий-мусиқий композиция.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Истиқлол айёми». «Ўзбектелефильм» премьераси.
22.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти. Халқлар Дўстлиги саройидан олиб кўрсатилади (7 декабрда ёзиб олинган).
00.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Томоша».
18.35 «Тулпорлар». Видеофильм.
18.50 «Истиқлол рамзи».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.25 «Ватан, замин узра толеинг кулсин!». Адабий-мусиқий композиция.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Истиқлол айёми». «Ўзбектелефильм» премьераси.
22.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти. Халқлар Дўстлиги саройидан олиб кўрсатилади (7 декабрда ёзиб олинган).

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 21.20, 00.40— Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
8.00 «Сайловчи соати» (такрор.).
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Ҳакка». Болалар ахборот кўрсатуви.
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 «Савдо кўприги».
11.00 Концерт.
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 12-серия.
13.10 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.40 «Саховатли устанинг олтини». Воронеж чиннисозлари ҳақида.
17.00 «Қизлар ўртасидаги сир».
17.20 «Парвоздаги уй». Кўп серияли мультфильм премьераси. 24-серия.
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Сайловчи соати».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Сайловчига сўзимиз».
21.55 Футбол. Чемпионлар лигаси. «Спартак» (Москва) — «Ғалатисарой» (Туркия). Лужникидан кўрсатилади.
23.50 «Матбуот-экспресс».
24.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Параллеллар».
9.20 Ватаним менинг. «Никольскийдаги уй».
10.45 «Сиз яратган боғ».
11.15 «Асил ҳолича».
12.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 252-серия.
13.00 Ишдан бўш пайтингизда. «Иш устасидан қўрқади».
13.15 «Конституция. Россияни қандай қилиб эпақага келтириш мумкин?».
13.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.10 «Сайловолди марафони».
14.30 Киноқиссалар. «Қалпоқ». Бадиий фильм.
15.55 «Телегазета».
16.05 «Сигнал».
16.20 Болалар учун янгиликлар.
16.35 «Рост» студияси. «Мени ўзингдан кам кўрма».
17.05 «Трансросэфир».
17.50 Спорт кўрсатуви.
*
18.00—20.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.20 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 253-серия.
21.10 «Мен—йўлбошчиман».
21.30 «Ностальжи» — барча авлодлар мусиқаси».
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 «Кутиш зали».
23.15 «Сайловолди марафони».
23.45 «/-клуб».
00.30 Криминал хабарлар экрани.

Пайшанба, .9 XII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Қўшиқларим — орзуларим».
7.50 «Ғаройиб орол». Мультфильм.
8.00 «Қувноқ болалар».
8.15 «Конимехлик чўпон». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.55 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.05 «Икки дил достони». Бадиий фильм.
10.35 Ўқув кўрсатуви. Математика. Мусбат ва манфий сонлар. Уларни кўпайтириш ва бўлиш.
11.05 «...Қирқ ҳунар ҳам оз».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Жуғрофия. Фарғонанинг иқтисодий райони.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Қодир Жўрақулов куйлайди.
20.00 Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Адиб табассуми». Шароф Бошбеков.
22.00 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Болалар учун. «Табассум».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.15 «Тошкент оқшомлари».
21.35 «Пульс». Хабарлар.
«ОМАД» таништиради
21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
8.00 «Сайловчи соати» (такрор.).
9.00 Янгиликлар.
9.20 Мультфильм.
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
11.10 «Муваффақият».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 13-серия.
13.10 Футбол. Чемпионлар лигаси.
14.30 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.40 «440 герц».
17.20 «Муваффақият».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Хусусийлаштириш: кимлар манфаатдор!».
18.45 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Сайловчи соати».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Сайловчига сўзимиз».
22.00 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 11-серия.
23.00 Футбол. Чемпионлар лигаси.
23.30 «Матбуот-экспресс».
23.40 «1993 йил қўшиқлари». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.35 «Бумеранг».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Кетдик».
9.10 «Агар сиз...».
9.40 «Кутиш зали».
10.30 Тонгги концерт.
10.45 «К-2» таништиради: «Халқ фраки».
11.40 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 253-серия.
12.30 «Осойишталик №9».
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.55 «Мегаполис».
14.25 «Трансросэфир».
15.10 «Оқ «Мерседес»да сайр». М. Распутина концерти.
15.35 «Телегазета».
15.40 «Қутқариш хизмати 911».
16.35 Болалар учун янгиликлар.
16.50 «Рост» студияси. «Такой возраст» ёшлар тележурнали.
17.20 «Тилла шпора».
17.50 «Сайловолди марафони».
*
18.00—20.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.30 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 254-серия.
21.20 «Ўз-ўзига режиссёр».
21.55 Спорт кўрсатуви.
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.30 «Тинчлик ва уруш».
23.05 «Сайловолди марафони».
00.35 Криминал хабарлар экрани.

Жума, 10. XII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Созимда севги васфи».
7.50 «Чумчуқвой». Мультфильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Халқ куйлари». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 «Одам — амфибия». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт. Ҳамид Олимжон. «Зайнаб ва Омон» достони.
11.00 «Фароғат опа». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Электромагнитизм ва унинг техникадаги аҳамияти.
12.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Биз — истиқлол қалдирғочлари».
18.45 Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Ҳуқуқий давлат сари».
20.00 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Мерос». Заҳириддин Муҳаммад Бобур.
22.00 «Барҳаёт наволар». Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов таваллудининг 125 йиллигига.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қувноқ жилолар».
20.00 «Излаган иш топади».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Бой ила хизматчи». Бадиий фильм (рус тилида).

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
8.00 «Сайловчи соати» (такрор.).
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Беседы» ашула ва рақс ансамбли ижро этади.
9.45 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
10.35 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади.
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Москва кўзёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.
14.45 Мультфильм.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Сен нимани танлардинг!». Болалар учун телевизион бадиий фильм.
17.20 «Музограф».
17.40 «Соло».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Россия сайловининг акс садоси».
18.40 «Инсон ва қонун».
19.15 «Америка М. Таратута билан».
19.45 «Сайловчи соати».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Сайловчига сўзимиз».
21.55 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 12-серия.
22.50 «Матбуот-экспресс».
23.00 «Мўъжизалар майдони».
24.00 Янгиликлар.
00.45 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
01.05 «Музобоз».
01.50 «Сиёсий бюро».
02.30 «Авто-шоу».
03.00 «Хит-конвейер».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Кетдик».
9.10 «Тинчлик ва уруш».
9.40 «Параллеллар».
9.55 «Трансросэфир».
10.25 «Оқ қарға».
11.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 254-серия.
12.00 «Чашмалар».
12.30 «Ха-ха». Хазанов.
13.25 Мульти-пульти.
13.35 «Сайловолди марафони».
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.05 Россия телевизион театри. Ж. Сименон. «Ён дафтарчадаги еттита крестча».
15.45 Жума кунлари Дисней. «Дунёдаги энг бой мушук». Бадиий фильм. 1-серия.
16.35 Болалар учун янгиликлар.
16.50 Мульти-пульти.
17.05 Ҳужжатли фильм.
18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.00 Театр сафари. «Ой ёруғида саҳналар».
20.45 «Конституция. Россияни қандай қилиб эпақага келтириш мумкин?».
21.50 Спорт кўрсатуви.
21.55 «Сайловолди марафони».
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
*
22.30 «Россия радиоси: эфирда уч йил».
22.50 «К-2» таништиради: «Кинограф».
23.45 «Сайловолди марафони».
00.20 «Гувоҳларсиз». Бадиий фильм.

Шанба, 11. XII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Яхши кайфият».
7.50 «Ажойиб гилам». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.10 «Баҳоуддин Нақшбанд». Телефильм.
8.20 Мутахассис маслаҳати.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 «Болагинам Мио». Бадиий фильм.
10.45 Француз тили.
11.15 Болалар учун. «Ҳунардан зар унар».
11.45 «Шоҳсупа».
12.15 Араб тили.
12.45 «Оналар мактаби».
13.15 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар — фахримиз».
13.45 «Армонли дунё». А. Аҳмедов.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Болалар меҳмонхонаси».
18.30 «Санъат олами».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ўзбекистон бойлиги». Телефильм.
19.40 Рақслардан — қўшиқларга.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Республика театрларининг телевизион фестивали. Туроб Тўла. «Нодирабегим». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрининг спектакли.
22.50 «Санъат усталари». Пўлат Саидқосимов.
23.50 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Шарқ лирикаси.
19.45 «Ўзбекистон спорти» (рус тилида).
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Дарвоқе...»
21.35 «Сиздан угина, биздан бугина». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 «Матбуот-экспресс».
7.05 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.50 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» таништиради.
9.30 «Резонанс» студияси таништиради.
10.55 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади.
11.25 «Мусиқий дўкон».
11.55 «Авиакосмик салон».
12.10 «Лаззат».
12.25 «Ҳамиша сафардаги театр». В. Вульф ҳикоя қилади.
13.15 Ёдда қолган фильмлар. «Ўн иккинчи кеча».
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Сайловчи соати».
16.55 «Пеппи — Узун пайпоқ». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 13-серия.
17.25 «Пул ва сиёсат». Халқаро муносабатлар иқтисодиёт кўзгусида.
17.55 Мультфильм.
18.10 «Қизил квадрат».
18.50 «Сизга аталган учрашув». А. Солженицин.
19.45 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Орзу савдогарлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Орзу савдогарлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
22.15 «Бахтли тасодиф».
23.15 «Матбуот-экспресс».
23.25 «Телеёдномалар».
24.00 Янгиликлар.
00.50 Охирги киносеанс. «Декалог-Х». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Польша).
01.40 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 «730-формула».
8.55 «Мусиқий коллекция».
9.30 «Ҳали англанмаган коинот».
10.00 «Амика веритас».
11.00 «Рост» студияси. «Рухсатингиз билан таклиф этаман».
11.30 Мульти-пульти.
11.50 Такрорий фильмлар кинотеатри. «Мусиқий саргузашт» (1940 й.).
*
13.15—16.30
«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
13.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
13.25 «Дилга яқин қўшиқлар».
13.45 «Светлица польска».
14.15 «Ҳамкорлик самаралари».
15.00 «Мозийдан ёғдулар»,
15.40 Шарқ тароналари.
16.15 «Бу ажиб дунё».
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.30 Жаҳоннинг машҳур цирклари.
17.30 «Квадрат илдиз остидаги чақа-танга».
*
18.00—20.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.15 «Кузирхоним».
20.50 «Овросиё ТВ» таништиради: «Феликс Круллнинг иқрори». Бадиий фильм. 3-серия.
21.55 Спорт кўрсатуви.
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 «Сайловолди марафони».
22.30 «Москвадаги махфий учрашувлар». Ҳужжатли фильм премьераси.
23.25 «Ксюша ҳузурида».
24.00 Тунги сеанс. «Яшасин муҳаббат!». Бадиий фильм.

Якшанба, 12. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
*
8.00 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 44—45-сериялар.
9.30 «Фильм пойдевори». Кинокўрсатув.
10.20 «Ижод саҳифалари» Ҳайдар Муҳаммад.
11.00 Ҳинд тили.
11.30 Цирк! Цирк! Цирк!
12.15 «Қардошлик тароналари». Зайнаб Каримова куйлайди.
12.50 Футбол мавсуми якунига бағишланган бевосита мулоқот.
14.20 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
Тижорат канали:
15.10 «Наманган сув қурилиши. Чорак асрлик тўй».
15.25 «Ислоҳот одимлари».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Ўйла! Изла! Топ!».
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 «Ойнаи жаҳонда».
19.45 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ҳафтанома».
21.10 «Хотира». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла таваллудининг 75 йиллигига.
22.10 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм.
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради
17.00 «Мультфейерверк».
17.40 «Курьер».
17.50 «Мусиқий йўлка». Мусиқий кўрсатув.
18.10 «Ҳар соҳадан бир шингил».
18.20 «Совға».
18.45 «Юлдузлар жилоси».
19.05 «Даракчи».
19.15 Эълонлар.
19.20 «Видео-О».
21.20 «Курьер».
21.30 «Шарқ дурдоналари».
22.00 «Даракчи».
22.10 Эълонлар.
22.15 «Видео-О».

● «ОРБИТА IV»

7.55, 22.45 — Кўрсатувлар тартиби.
8.00 «Руҳни чиниқтириш».
9.00 «Паўзасиз».
9.30 «Эрта саҳарлаб».
10.00 «Ҳамма уйдалигида».
10.30 «Спортлото».
10.45 «Тонг юлдузи».
11.35 «Полигон».
12.05 «Марафон-15».
12.45 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
13.25 «Мен—аёлман».
«КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:
14.00 «Француз пазандалари сизга тавсия этадилар».
14.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
*
15.00 Янгиликлар.
15.15 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
15.55 «Янгра, гармонь!».
16.40 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
17.30 «Орзулар вокзали». Ю. Башмет.
18.25 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.40 «Нима! Қаерда! Қачон!».
19.45 «Россия Конституцияси». Янги сиёсий йилнинг кутиб олиниши.
20.00 Катталар учун мультфильм.
20.15 Телеэкранда биринчи марта. «Чича». Бадиий фильм («Ленфильм»).
22.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
22.55 Футбол. Қитъалараро кубок. «Милан» (Италия) — «Сан-Паулу» (Бразилия). Япониядан кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.45)— Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 «Хайрли тонг!».
8.55 «Калит» кўрсатуви. «Шоҳона сафар». 9-қисм.
9.25 «Қарама-қаршиликлар».
10.00 «Ати-бати...».
10.30 «Рост» студияси.
11.00 Мульти-пульти.
11.10 Кундузги сеанс. «Қароқчи чоллар». Бадиий фильм.
12.40 «М-трест».
*
13.05—16.15
«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
13.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
13.15 «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида».
13.40 «Умид» (уйғур тилида).
14.15 «Истеъдод». Халқаро танлов ғолиби Гулнора Алимова (фортепьяно).
14.50 «Безнен мирас» (татар тилида).
15.30 «Рангинкамон (тожик тилида).
16.05 «Бу ажиб дунё».
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.15 Мульти-пульти.
16.35 Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни-Пухнинг янги саргузаштлари», «Қора плашч».
17.40 «Ҳар бир кун байрам».
17.50 Спорт кўрсатуви.
*
18.00—20.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.30 Телеэкранда — премьера. «Лох — сувлар ҳукмдори». Бадиий фильм.
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Фильмлар премьераси».
22.35 «Кечки салон».
00.15 «Орган, баян ва фантазия».
00.45 «Сигнал».

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Никоинятин бой бериай алоқа бўлимларига шошилинг!

Унинг бир йиллик обуна нархи 20 минг 400 сўм.

Олти ойга 10 минг 200 сўм. Қиммат дейсизми? Арзон эмас, албатта. Аммо, «Арзон беминнат бўлмас, қиммат — беҳикмат», деган мақолни ҳам унутманг.

Эслатма: «Ўзбекистон овози» ҳафтада беш марта чиқади, телекўрсатувлар программаси унда мунтазам бериб борилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ». СИЗНИНГ ЭНГ СЕВИМЛИ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИБ ҚОЛИШИГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ.

• Одобнома

НИКОҲ ВА ТАЛОҚ

Мастлик ҳолатидаги талоқ, талоқ ҳисобланадими?

Албатта, ҳисобланади. Лекин осмонни ердан, эркакни аёлдан ажратолмайдиган даражада мастлик ҳолатидаги талоқ талоқ ҳисобланмайди. Қайтадан сўратишлик ҳам лозим келмайди. Мана шундай ҳолатда айтилган куфр сўзи ҳам кишини кофир бўлди, деб ҳисоб қилинмайди.

Бир аёлнинг эри хотинига олти ой қарамаса, ёки ташлаб кетган бўлса сўратиб никоҳлаш керакми?

Сўратиб никоҳлаш зарур эмас. Ҳазрати Имоми Муҳаммад билан Имоми Абу Юсуф етти йил кутиш лозим деб ҳукм чиқарганлар. Демак, шунча вақт ўтиши билан талоқ тушмас экан. Сўратиб қўйсангиз, одамлар ичида қўйди-чиқди бўлдилар, деган иснодга қоладилар.

Бир аёлнинг эри «бор» сўзини ишлатса, талоқ тушадими?

Йўқ, талоқ тушмайди. Аммо хотин киши эридан «Менинг жавобимни бер, талоқ қил, сен билан яшамайман», — деган вақтда эр талоқни ният қилиб «Бор!» — деса, талоқ тушади. Демак, аёл ота-онасиникига бораман, деган вақтда эрининг «бор», — деган сўзи билан талоқ тушмайди.

Хотин киши ўзини талоқ қилса, талоқ тушадими?

Хотин киши ўзини талоқ қилолмайди. Талоқ талоқи бўлмайди. Аммо эр хотинига, — «Мен билан яшаш ва яшамаслик, ўзингни талоқ қилишлик, ихтиёри ўзингда», — деса хотин шу сўзни эшитган ҳамон «Ўзимни-ўзим талоқ қилдим», — деса талоқи талоқ бўлади. Аммо «Ўзимни ўзим талоқ қилдим», деган сўз сиғадиган вақт ўтгандан кейин ҳукм эрга қайтади.

Исломда амма, ҳолаларнинг қизларига уйланишлик ҳалол. Лекин, Расулуллоҳ — «бегоналашинглар», деганлар. Зероки, ушбу келин-куёвлардан туғилган фарзандлар нимжон бўлади, ақллари ҳам ўткир бўлмайди. Ҳозирги замон олимлари ҳам ана шу фикрни қувватлайдилар.


Аёлларнинг эрлари устида қандай ҳақлари бор?

Оллоҳ таоллонинг қиёмат куни қиладиган сўровидан бири аёллар хусусида бўлади. Чунки аёллар ўз эрларини ҳаромдан сақлайдилар. Хонадонларини, уст-бошларини покиза тутадилар. Фарзандларини тарбиялайдилар, эрларига қарашли ҳайвонларга қарайдилар. Хуллас, уларнинг яхшиликларини ҳисоби йўқ. Шунинг учун аёлларни урмаслик, ҳақорат қилмаслик, ноўрин сўзлар билан дилларини оғритмаслик керак. Ҳар ким ўз ҳолига қараб уларни зарур либослар билан таъмин этмоғи керак. Аёлларнинг ўз ота-оналарини, қавму-қариндошларини кўришларига ижозат беришлари, иложи бўлса шундай фарзандини вояга етказиб, сизнинг хизматингизга икки қўллаб топшириб қўйганликларининг шукронасига, уларни биргалашиб бориб зиёрат қилмоқлари, қодир бўлсалар, иложи борича уларга ёрдам қилмоқликлари яхшидир.

Эрларнинг аёллар устидаги ҳақлари қайсилар?

Аёллар аввало Оллоҳнинг фарзларини бажарганликларидан сўнг, улар эрларини ҳурмат қилмоқликлари лозимдир. Бу хусусда шундай ҳадис бор: «Агар Оллоҳдан бошқага сажда қилиш мумкин бўлганда эди, мен аёлларга эрларига сажда қилишларини буюрар эдим». Аммо шариатда бу мумкин эмас! Аёллар эрлари қўчадан келсалар, «Келдингизми», деб таъзим қилмоқликлари керак. Яна, аёллар эрлари ёмон кўрган кишиларини хонадонга киритмасликлари, эрларидан бесўроқ бирон нарсани бермасликлари керак. Агар бордию берсалар, савоби эрларига, гуноҳи хотинларига бўлади. Эрларидан беруҳсат бирор жойга бормасликлари керак. Аммо одатда ота-оналариникига борадиган кунда ёки мусибат етган кунда боришга ҳақлари бор.

(«101 саволга 101 жавоб» рисоласидан).



Зиё масканида.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

• *Нон-ризқ-рўзимиз*

Ноз-неъматлар гултожи бўлган нонинг қачон пайдо бўлганини биласизми! Олимларнинг тахминича, бунга 15 минг йилдан ошганмиш. Тўғри, улар узоқ ўтмишда нон ҳозиргидан анча фарқ қилганини айтишади. Бу зичлаб жойлаштирилган доннинг қизитиб пиширилган бурдалари бўлган. Нью-Йорк шаҳри музейида бундан 3400 йил муқаддам ёпилган нонни кўриш мумкин.

Қадимий Мисрдаги тез ёзиш усулида қуёш, олтин ва нон бир хил белги билан ифодаланган — айланма доира қилиниб, ўртасига нуқта қўйилган. Шундай қилиб, нонни олтин ва қуёш билан тенглаштиришган.

Ёшим бир жойга бориб қолди. Яхши-ёмон кунларни кўп кўрдим. Кирқинчи йилларни кўз олдимга келтираман-да... Онажонларимиз кунда, кунора тандир-тандир нон ёпишарди. Чўғдек иссиқ кулчаларни ариқдаги зилол сувга оқизоқ қилиб ердик. Кутилмаганда уруш бошланиб қолди. Дўконлар пештахтасини тўлдириб турган оби нон гижда, патир, ширмойи ва чуррак нонлар ғойиб бўлиб, уларнинг ўрнига қоп-қора бўлкалар пайдо бўлди.

Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасида Иноғом аравасозининг ҳовлиси олдида ёғоч-тахталардан қурилган каттагина нон дўкони бўларди. Рихсивой оқсоқол деган тўғрисўз, чўрткесар киши сотувчи бўлиб ишларди. Кунларнинг бирида яна мумдай ёпишқоқ қоп-қора нон келтирилди. Оқсоқол нонни тортиб сотар экан, қўлидаги узун пичоқини тоғорадаги сувга тез-тез ҳўллаб оларди. Кутилмаганда унинг куфури ошиб, харидорларга қараб ҳайқирди:

— Ҳалойиқ, мана буни кўринглар, шуям нон бўлдими, молга берсанг емайди!

ОЛТИН ВА ҚУЁШГА ТЕНГ НЕЪМАТ

Орадан бир-икки кун ўтгач даҳамизда дув-дув гап тарқалди: «Рихсивой оқсоқолни қамаб қўйишибди!». Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай бўлганди...

Аҳолига нон «забор» деб аталадиган махсус қоғоз орқали бериладиган бўлди. Болаларга ва ишламай уйда ўтирадиган қари-қартангларга бир кеча-кундузга 300 граммдан, оғир ишда ишловчиларга эса бир килограммдан қоп-қора нон беришарди.

Абдураҳмон ота, Абдуҳалил сартарош деган кекса қўшниларимиз бўлишар, касалхонада ишлашарди. Уларнинг тобутга ўхшаш эшак аравада кабристонга ўлик ташишганини ўз кўзим билан кўрганман. Ўшандай даҳшатли кунларда ёғоч дўконимиз олдида нон олиш учун навбат кутувчилар кўпайиб, тун бўйи шу ерда қолиб кетардик. Ҳовлиси шу яқинда бўлган шоир Ҳайбатуллахўжа Орифхўжа ўғли Хислат ҳам гоҳо шу ерда кўриниб қоларди.

Эрталаб нон берила бошлаганида ур-йиқит билан навбат бузилиб кетиб, ҳамма сотувчининг олдига интиларди. Шунда оломон орасида тебраниб турган барваста қоматли, пахмоқ соқол Хислат эшоннинг ҳам мунгли овози эшитилиб қоларди:

— Абдуғани болам, нонимни бериб юбора қол!

Хислат «таронан баёт» усулида ашула қилиб айтилиб келинаётган машҳур муҳаммасида шундай зорланганди:

Йиғламайму бекасу мазлумлиғимга, дўстлар,
Сўргали аҳволи зорим бир қадрдон бўлмаса!!.

Иқтисодий қийинчиликлар уруш тугаганидан кейин ҳам узоқ давом этди. 1947 йилнинг декабрь ойи охирида пул ислоҳоти ўтказилиб, ҳар бир оилага 500 сўмдан пул алмаштириб берилди. Ана шундагина ҳаётимизга бир оз енгиллик кирди. Ўша оғир кунлар энди бир эртак бўлиб қолди. Давлатимизга минг-минг раҳматлар бўлсинким, ҳозир бизда нон етарли. Хизмат бурчимга кўра қаерда бўлмай, новвойхоналарни, нон дўконларини кўздан кечириб, ўзимда йўқ хурсанд бўламан. Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида эллик мингга яқин аҳоли бор. Туман марказида, хўжаликларда миллий нонлар ёпиладиган новвойхоналар ишлаб турибди. Қўшни Дўстлик туманида ҳам худди шундай манзарага кўзингиз тушади. Унга яқин катта-кичик корхонада бўрсилдоқ нонлар ёпилмоқда.

Тошкентни азимда ҳам озмунча аҳоли борми!! Ҳар куни узоқ-яқиндан келиб-кетиб турадиган сон-саноқсиз меҳмонлар-чи! Уларни узлуксиз нон билан таъминлаб туришнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Яқинда шаҳардаги 4-миллий нонлар корхонасида бўлиб, унинг раҳбари Баҳром Мирзараҳимов билан суҳбатлашдим.

— Ҳар кеча-кундузда ўртача 42—44 минг дона буханка нон чиқараяпмиз, — дейди у. — Корхонамизнинг ўзида ҳамда Хондамир, Пахтакор, Бешқайрағоч, Ҳувайдо, Гулобод маҳаллаларида, шунингдек, Байроқ кўчасида миллий нонлар ёпиладиган новвойхоналар ишлаб турибди. Бошқа турдаги нонлар нархи оширилган бўлса-да, тандир нонининг баҳоси 80 сўмлигича қолдирилди.

— Нонининг таннархи анча қимматга тушади, — сўзини давом эттирди Баҳром Мирзараҳимов. — Бунинг ўрнини қоплаш учун давлат корхонамизга ҳар ўн кунда ўртача 55 миллион сўмдан дотация бериб турибди.

Ҳа, ҳамма нон корхоналарига ҳам давлатимиз томонидан ана шундай ёрдам кўрсатиляпти. Бу—халқимизга қилинаётган катта ғамхўрликлардан бири. Илоҳо, дастурхонимиздан нон аримасин.

Усмон ЮСУПОВ.

гурунг



Ўзбекистон самбочилари умумкоманда ҳисобида дастлабки бор жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлишди. Омск шаҳрида ўтказилган турнирдан термизлик ака-ука Ҳасановлар медаллар билан қайтишди. Баҳодир ва Баҳром 80 килограмм тонфасидаги вазнда бронза медалини олишди. 17 ёшли Ботир эса ўсмирлар орасида кумуш медаль соҳиби бўлди. Ҳасановлар оиласининг бошлиғи Абдужаббор ака фарзандларини ана шундай жанговар руҳда тарбиялади. Ҳозирги оғир кунларга қарамай спортчиларимиз мустақил Ўзбекистоннинг шонушарафини юқорига кўтармоқдалар.

СУРАТДА: ака-ука спортчилар бўш вақтларини ўз тренерлари Рўзибой Ўтаев билан ўтказишади.

И. ХЎЖАЕВ олган сурат. (ЎзА).

• *Жаҳон чемпионати финалчилари*

ПЛАТИНИ НЕГА ХОМУШ?

Мишел Платинини дунё билади. Етмишинчи йиллар футбол оламида бу ном пайдо бўлганида Мишелни шунчалик маълум ва машҳур бўлиб кетади, деб ўйлашмаганди. Бу талантли футболчи ажойиб ҳаракатлари билан тез орада танилиб унинг номи миллионлаб ишқибозлар қалбидан жой олди. У кўп йиллар бор куч ва имкониятини ишга солиб, тўп тепди. Вақти соати етгач катта футбол билан хайрлашиб ўзи ҳам мураббий бўлди.

Мишел Платини мураббийлик қилаётган Франция терма командаси сўнгги ўйинигача «беш минут кам» Америкага борадиган бўлиб турганди. «Фақат—ғалаба». Француз футболчилари ана шундай иштиёқ билан Болгария жамоасига қарши майдонга чиқишди. Мухлислар ҳам стадионга катта умид билан келишди. Жамоада етакчи ўйинчилар қатори Папеннинг борлиги ғалабага бўлган ишончни янада оширганди.

Ўйин қутилганидай Платини шогирдларининг шиддатли ҳужуми билан бошланди. Рақиб ҳимоячилари Папендан бир дақиқа ҳам кўз узмади. Уни «очиқ» қолдиришга ҳаракат қилдилар. Барибир, Папен Папенда! У бир неча бор хавфли ҳужумларни уюштирди. Биринчи бўлимнинг 32-минутида айнан Папен оширган тўпни Кантона дарвозага йўллаб ҳисобни очди. Шундан кейин болгарияликлар «отга қамчи уришди». Орадан кўп ўтмай ҳисоб тенглашди. Ҳар икки жамоа шу тариқа танаффусга чиқдилар.

Шу ерда кичкинагина чекиниш қилсак. Агар учрашув дуранг тугаса ҳам Францияга йўлланма нақд! Ғалаба қилишса янада яхши. Бироқ олдинда ҳали 45 минутлик ўйин бор. Болгарияликлар осонликча «таслим» бўлмаслиги аниқ.

Иккинчи бўлим бошларида ҳар икки жамоа ўта эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилган бўлсада асосий эътиборни ҳужумга қаратдилар. Ўйин охирлашиб қолганда франциялик ишқибозлар командасининг финалга чиқиши муносабати билан олқишлашмоқчи бўлиб туришганди. 90-минут. Саноқни секундлардан кейин стадион ларзага келади. Бироқ ҳакам ҳуштаги чалинишга бир неча дақиқа қолганида фожиа юз берди. Костадионов бор кучи билан тўпни францияликлар дарвозасига тепди... ва гол! Франциялик ишқибозлар бошини чангаллаб қолдилар. Болгария командаси 2:1 ҳисобида ғалаба қилиб келаси йили Америкада ўтадиган жаҳон чемпионати финалига йўлланма олди.

Энди тушунгандирсиз. Платинининг нега хомушлигига...

Равшан ШОДИЕВ.

• *Ҳабарингиз борми?*

ИССИҚ МУЗ

Сувнинг яхга айланиши — бу табиат ҳодисаси. Лекин ҳайратда қоладиган жойи шундаки, муз ўзгарувчан хоссага эга бўлган модда. Муздан бошқа кўпчилик моддалар қотган сари сувда чўкади. Аммо ях сувда чўкмайди. Агар муз ҳам бошқа моддалар каби қотгандан сўнг сувда чўкса борми, сайёрамизнинг кўпчилик ерларида сув ҳавзаларн остидаги органик ҳаёт йўқолиб кетган бўлур эди. Бунинг устига муз қатлами иссиқликни ёмон ўтказади. Бинобарин, унинг остидаги мавжуд иссиқлик яхши сақланади ва ях қатлами остидаги сувни музлашдан сақлайди.

Қадим замонлардан бери қотган сув модданинг кристалл ҳолатига ўтиши, деб қабул қилинган. Шунинг учун ҳам қадим юнонда қотган сув — музга «кристалл» деб ном берганлар. Ҳозир ҳам мутахассислар яхни энг енгил ва паст ҳароратли минерал қаторига киритадилар. Сунъий усуллар билан олинадиган музлар ичида ноль даражадан юқорида ҳосил бўладиган ях қизиқарлидир. Бундай муз сув сатҳининг ҳар бир квадрат сантиметрига минг килограммдан ошиқ босим таъсир қилинган тақдирда пайдо бўлади. Бу усул билан ҳосил қилинган муз фан-техника тилида «қайноқ муз» деб номланади. Бундай муз одатда сувдан оғир ва унда чўкади. Шундай юқори босим остида олинган музнинг бир тури фақатгина 200 даражадагина эрийди.

Маълумки, тупроқнинг устки қатлами ёки грунт намни ўзига тортади ва унинг майда зарраларини бир-бирига жипслаштиради. Натижада ютилган—адсорбция қилинган сув пайдо бўлади. Бу сув ҳам катта босим остида бўлади ва ўз хоссалари бўйича оддий сувдан кескин фарқ қилади. Бундай ҳолат олимларни зарралар сатҳида ютилган юпқа сув қатлами қайноқ муз шаклида бўлса керак, деган тахминни қилишга олиб келди. Бундай тахминни ўз вақтида академик В. И. Вернадский ҳам айтган эди. Адсорбция қилинган сув ўз хоссалари бўйича қаттиқ жисмга яқин туради. Лекин баъзи бир қиёсий маълумотларга кўра, унинг тузилиши оддий муз тузилишидан фарқ қилади. Ҳозирча унинг асл моҳияти узил-кесил ҳал этилганча йўқ. Буни келгусидаги мукаммал ўтказиладиган тажрибалар аниқлаб беришидан умидвормиз.

Мирмажид ЗОКИРОВ,
геология-минералогия фанлари доктори.

Зиё масканида.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

• *Билиб қўйган яхши*

ҚАНДАЙЛИГИМИЗНИ «АЙТИБ БЕРУВЧИ» ОМИЛЛАР

Одамнинг қандай бўлиши пешонасига битиб қўйилган, деган фикр халқ ўртасида бежиз тарқалмаганига битта ишончли асос бор экан. У ҳам бўлса одам танасидаги бирон туғма белги кўп ҳолларда кейинчалик ўша инсон хусусиятини белгиловчи омил бўларкан. Ишонмайсизми! Бўлмаса қуйидаги белгилар хусусиятига бир разм солиб кўринг-чи.

● Қошларнинг бир-бирига нисбатан тўғри жойлашиши (тузилиши, ранги, қалинлиги) хулқ-атвор, ақл ва ҳаяжоннинг мўътадиллигини кўрсатади.

● Қошларнинг чиройли тузилиши, эгасининг атроф-муҳитга хушмойиллигидан далолат беради.

● Қошларнинг баланд жойлашганлиги кишининг тиришқоқлигидан нишонадир.

● Қалин қошлар учининг юқорига кўтарилиб туриши эса, кишининг сахийлиги ва мардлиги белгиси экан. Бундай қошлар эгасини одатда омадли, дейишади.

● Агар қошларнинг учи пастга йўналган бўлса, бу ҳол уятчанликни билдиради.

● Қалин ва тик қошлар кишининг қизиққонлигидан далолат беради.

● Чиройли ва жозибадор кўз эгалари соғлом, ақлли, эркин, чаққон бўлишаркан.

● Чарос кўзлар эса кўнгил зийраклиги ва мардлик нишонасидир.

● Юздаги хол нафақат гўзаллик белгиси, балки тақдирга ҳам дахлдор экан.

● Қошдаги хол ўнг томонда бўлса қиз эрта турмушга чиқиб, бахтли бўлади.

● Чап томонда бўлса аксинча.

● Кўзнинг бирор бурчагида ҳол бўлиши эса қизнинг мулойимлигидан далолат беради.

● Ўнг ёноқдаги хол муҳаббат рамзи экан.

● Агар хол чап ёноқда бўлса, аёл мақсадга эришиш йўлида кўпгина машаққат чекаркан.

● Бурун устидаги хол жувонга бахт келтиради.

● Лаб устидаги хол эса эҳтиросли муҳаббатни билдиради.

● Хол агар қиз елкасида бўлса, унга бахт-иқбол келтиради.

● Қўлида холи бор аёл моҳир иш устаси бўлади.

● Тўпиқдаги хол кучлилик, қатъиятлилик ва меҳнатсеварлик белгисидир.

● Манглайнинг ўнг томонидаги хол эр кишига шуҳрат келтираркан.

● Ўртадаги хол қаллиқ танлашда янглишмайдиган йигитларда бўлади.

● Бўйиннинг олд томонида хол бўлса бу ишдан қаноатланиш белгиси, елкадагиси эса кишига ҳурмат келтиради.

● Елкадаги хол оғирликни олдиндан сезиб ишлайдиган эркакларда бўлади.

● Қовурғанинг ўнг томонида хол бўлса журъатсизлик, чапдагиси ҳажага мойиллик борлигини билдиради.

● Товон остида иккита хол бўлса, саёҳатга ишқибозликни билдиради.

● Товоннинг чап томонидаги хол — хаёлпарастликдан белги.

Тўпловчи: Ҳамид ИКРОМОВ.

ОЙЛАР ВА ТОШЛАР

● ЯНВАРЬ— тўқ қизил ёқут тош ойи. Табиатда бундан ташқари яшил, сариқ, бинафша, ҳатто қора рангдаги ёқутлар учрайди. Январда совға қилинадиган яна бир тош—пуштиранг чақмоқ тошдир.

● ФЕВРАЛЬ — қиш фаслининг иккинчи ойи. Яъни бинафшаранг сафсар тош. Қадимги юнонлар бу тошни майҳўрликдан сақловчи восита деб билишган. Февралга сутранг оқиш тош ҳам мос тушади.

● МАРТ — ҳаммаёқ мовий тусга киради, гуллару дарахтлар анвойи ҳидлар таратади. Баҳорда туғилганларга кўкиш—зангори рангдаги тош ёки яшил чақмоқтошни (қизил доғчалари бўлса янада яхши, айтишларича, у қон кетишни тўхтатар экан) тавсия этамиз.

● АПРЕЛЬ — илк ҳисларга берилувчан ой. Тошларнинг энг асллари шу ойда туғилганларга совға қилинади. Энг ялтироқ тош — тоғ биллури. Энг қиммати — олмос. Тошлар ичида биринчи бор тақинчоқлар ясалган тош қаҳрабодир. Қаҳрабо шифобахш кучга эга, деб ҳисобланади. Йилнинг энг омадли ойи апрель эканлигига энди ишонгандирсиз.

● МАЙ — дарахтлар барг ёзади, шунинг учун бу ой ўзига яшил рангни танлаган. У қимматбаҳо зумрад ёки хризапрас (ярим қимматбаҳо тош)ни маъқул кўради.

● ИЮНЬ — Ёз. Гуллар қийғос очилади. Шу ойнинг ақиқ ёки яшил рангли малахит тошлари ажойиб жилолари билан кишини лол қолдиради. Ойтоши — ўзидан нафис кўкимтир ранглар таратувчи бинафша яшил тусда жилоланса, кишининг кўзи қамашади.

● ИЮЛЬ— иссиқ ой, шу боис унинг тожида оловранг лаълтош ёки сарғиш рангдаги сердолик тоши ярқирайди.

● АВГУСТ — Куз нафаси сезилмоқда, олтин ранг шаффоф хризолит, сардолик, сердоникс деган тарғил тусдаги қимматбаҳо тошлар ҳам куз келишидан дарак бермоқда.

● СЕНТЯБРЬ — салқин ой, тошлар ҳам қорамтир тусга кира бошлайди. Тўқ кўк рангдаги ёқут мовий ложувард тошларни у маъқул кўради.

● ОКТЯБРЬ — икки турдаги тош ранго-ранг жилвали турмалин ва оқ қора опал безаклари мос келади.

● НОЯБРЬ— буғуқ, изғиринли бўлсада, унинг қимматбаҳо ялтироқ тоши топаз иссиқлик, ҳарорат маъносини англатади. Ваҳший ҳайвонларнинг ёниқ кўзларини эслатувчи тошлар ҳам бу ой учун мосдир.

● ДЕКАБРЬ — йилни ниҳоялайди. Унинг сарғиш-яшил ва мовий рангли циркон ҳамда зангори феруза тошлари чиқиб келаётган қўшда ялтираган қорни эслатади. Айтганча форсийдан олинган «феруза» сўзи ғалаба маъносини англатади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»


Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси—33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-46-24;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 4,44-62;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 52-624.
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—687. тир. 22095. топширилди — 21.00.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, Ш. СУЛТОНОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.